Бугун Ленин, Фрунзе, Октябрь ва Ҳамза районларининг ҳисобот-сайлов партия конференциялари ўз ишини бошлади

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 269 (4368)
25 НОЯБРЬ, 1980 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Андижон область партия комитетининг чорвачилик фермалари, комплекслари ва паррандачилик фабрикаларини жадал қуриш, реконструкция қилиш ва уларнинг қувватларини ўзлаштириш йўли билан гўшт етиштиришни кўпайтириш соҳасидаги ташкилотчилик иши тажрибаси тўғрисида қарор қабул қилди. Мазкур қарорнинг баёни бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

◆ «Миллионлар мактаби» — «Правда» газетасининг социалистик мусобақа тўғрисидаги бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

• Шаҳар индустрияси рапорти

ЎН БИР ОЙЛИК ПЛАН ТАЙЁР!

Кеча Ўзбекистон пойтахти саноат корхоналари КПСС XXVI съезди шарафига социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, муҳим буюмлар ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича ўн бир ойлик планнн муддатидан илгари адо этдилар.

Улуғ Октябрнинг 63 йиллигига саноат маҳсулоти реализация қилиш бўйича беш йиллик планни бажарган Ҳамза ва Чилонзор районлари, ишлаб чиқариш ҳажми бўйича беш йиллик программани муддатидан аввал адо этган Собир Раҳимов ва Акмал Икромов районлари механизаторлари катта меҳнат ғалабаларини қўлга киритишди. Съездолди социалистик мусобақасининг олдинги сафида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Миконд», «Ташсельмаш» заводлари, республика Қурилиш материаллари саноати министрлигининг тажриба-механика заводи, электротехника, кўн-мўйна, «Компрессор» заводлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти коллективлари боришяпти. Шаҳардаги корхоналарнинг коллективлари КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорларини амалга ошириб, съездолди вахтасини зарбдорона ўтказишяпти. Улар «Беш йилликка—зарбдор якун», «Йиллик план—муддатидан илгари» жанговар шиорлари остида меҳнат қилишяпти.

КОММУНИСТНИНГ ЮКСАК БУРЧИ

Шаҳар партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов кампанияси навбатдаги босқичга кирди. Район партия конференциялари иш бошлади. Яқинда Собир Раҳимов район коммунистлари ҳисобот даврига якун ясадилар. Бугун бир йўла тўрт район — Ленин, Фрунзе, Ҳамза ва Октябрь районларида партия конференциялари ўз ишини бошлайди. 5 декабрда эса Киров, Куйбишев, Акмал Икромов, Чилонзор ва Сергели районларининг коммунистлари ўзларининг ҳисобот-сайлов конференцияларига тўпланадилар. 19 декабрда эса XXIII шаҳар партия конференцияси ўз ишини бошлайди.

Ҳозирги ҳисобот-сайлов кампаниясининг муҳим аҳамияти шундаки, у ўнинчи беш йиллик якунланаётган даврда, КПСС XXVI съезди арафасида ўтяпти. Коммунистлар йиғилиш ва конференцияларда КПСС XXV съезди, партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини бажариш борасида ҳар томонлама қизғин суҳбат олиб бормоқдалар, янада юксак натижаларга эришиш учун зарур бўлган тадбирларни белгилаб олмоқдалар.

Бунда «Коммунистларнинг танқидий фикр-мулоҳазалари ва таклифлари жуда ўринлидир,—деб таъкидлаган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия Марказий Комитетининг октябрь (1980 йил) Пленумида. — Ана шу фикр-мулоҳазалар ва таклифлар юзасидан дарҳол конкрет чораларни кўраётган партия комитетлари ғоят тўғри иш қилмоқдалар. Бу жуда соз, бу—йиғилишларнинг таъсирчанлигини, танқиднинг таъсирчанлигини кучайтиради».

Ҳозирги ҳисобот-сайлов кампанияси жараёнида муҳокама этилаётган масалаларга нишчанлик, партиявий талабчанлик ва қатъият руҳида ёндошиш намуналари жуда кўп.

—Партиявий ишлар самарадорлиги,—деди партия йиғилишида сўзга чиққан «Ташхимсельмаш» заводи слесарь-йиғувчилар бригадири В. Наумов,—кадрларга талабчанликни, қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини жиддий текширишни талаб этади. Ҳолбуки, парткомнинг ишида айнан шу нарса етишмайди.

«Совгалар» фабрикасининг ишчиси Л. Қаюмова маъмурият эътиборини ишлаб чиқаришда фойдаланилмаётган резервларга, шу жумладан корхонада иккинчи хом ашёдан оқилона фойдаланилмаётганига қаратди.

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасидаги ҳисобот-сайлов партия йиғилишида меҳнат интизомини бузиш ҳоллари кескин танқид қилинди. Бу келтирилган мисоллар коммунистлар томонидан билдирилган танқидий мулоҳаза ва таклифларнинг бир қисми, холос. Ҳисобот-сайлов кампанияси танқидий сўзнинг таъсирчанлигини намоён қилаяпти, иш тўғрисида ғамхўрлик руҳи билан суғориляпти. Бу мулоҳазалар дарҳол иш планларига тузатиш киритяпти. Кечиктириб бўлмайдиган масалалар юзасидан эса оператив чоралар кўриляпти.

Шу билан бирга шундай масалалар ҳам борки, уларни бир-икки кунда ҳал этиш қийин, албатта. Бу—ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш масалаларидир. Бу—бошқариш ва планлаштиришни такомиллаштириш, ижро интизоми масалаларидир.

Дарвоқе, интизом тўғрисида. Бундан бир неча йил муқаддам интизом ҳеч қандай қўшимча харажат талаб этмайдиган, аммо ишлаб чиқаришнинг энг муҳим резерви сифатида тилга олинган эди. Кейинги йилларда бу йўналишда кўпгина ишлар қилинди. Аммо резерв резервлигича қолиб келяпти. Чунки ҳамон иш вақтини йўқотишлар кўп, қурилиш муддатлари бузиляпти, ишлаб чиқаришни қайта қуроллантиришда ва реконструкция қилишда, хом ашё ва материал таъминотида камчиликларга йўл қўйиляпти, вагонлар бўш туриб қоляпти ва ҳоказо. Ахир, ана шуларнинг ҳаммаси ижро интизомига киради-ку? Буларнинг барчаси партия ташкилотлари ташкилий ва ғоявий-тарбиявий ишлари учун кенг майдон очиб беради-ку.

Шак-шубҳа йўққи, ана шу масалаларнинг ҳаммаси партия конференцияларида жиддий ва ҳар томонлама суҳбат учун мавзу бўлади. Буларнинг ҳаммаси коммунистларнинг авангардлик ролига, уларнинг энг биринчи бурч ва ҳуқуқлари—қаерда қийин участка бўлса, ўша ерда бўлиш, бошқаларни ўз ортларидан шахсий намуна кўрсатиб эргаштиришга бевосита тааллуқлидир.

Шу кунларда, яъни шаҳарнинг барча меҳнат коллективларида партиянинг навбатдаги съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақа кенг тус олган бир пайтда коммунистлар фидокорона меҳнат ва ижодий ташаббускорлик намуналарини кўплаб намоён қилмоқдалар. Беш йиллик илғорлари оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилишяпти, ўнлаб ва юзлаб коллективлар эса «КПСС XXVI съездига—26 зарбдор ҳафта» шиори остида меҳнат қилмоқдалар. Партия ташкилотларининг бурчи ана шу меҳнат шижоатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, илғорлар тажрибасини барчанинг мулкига айлантириш, план-топшириқларни ва социалистик мажбуриятларнинг ҳеч сўзсиз бажарилишини таъминлашдан иборатдир. Ҳисобот-сайлов конференцияларида бўладиган ҳар томонлама фикр ва иш тажрибалари алмашиш, коммунистлар томонидан билдирилган танқидий мулоҳаза ва таклифлар юзасидан қабул қилинадиган конкрет тадбирлар бунга муайян даражада ёрдам беради.

Фрунзе райони

ГАЗЧИЛАР МАРРАСИ

Шаҳар «Ташгаз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи КПСС XXV съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ этиб, ўз соҳалари бўйича биринчилар қаторида иқтисодий-техник кўрсаткичлар ҳамда беш йиллик план мажбуриятларини муваффақият билан якунладилар.

Хонадонларни табиий ва суюлтирилган газ билан таъминлаш плани 114 процент бажарилди. Капитал ишлаб чиқариш ҳажми эса 7 миллион сўмни ташкил этди. Ишлаб чиқаришга жорий этилган асосий фондлар плани эса 111,6 процент қилиб адо этилди, жами 6170 минг сўмлик маиший хизмат кўрсатилди. Айниқса, ер ости газопроводлари, ремонт-механика устахоналари ҳамда газ тўлдирувчи станцияларнинг коллективлари яхши ишлашди. Юздан ортиқ ишчи ўз ишлаб чиқариш планларини муддатидан олдин бажарди.

Бирлашма газ хўжалигини такомиллаштириш ишларига ҳам муҳим эътибор берияпти. Шу ўринда Тошкент тўқимачилик комбинатининг учта янги филиалининг газлаштирилишини таъкидлаб ўтиш керак. Бирлашма, шунингдек, Тошкент шаҳар ижроия комитети умумий овқатланиш бошқармасининг чорвачилик комплекси қурилишида, Фрунзе районидаги бир қатор тураржой бинолари қурилишига ҳам яқиндан ёрдам берди.

Тошкент газ тўлдириш станцияси қошидаги 200 автомобилга мўлжалланган автогазозаправка станциясининг иши ҳам таҳсинга сазовордир. Ҳар куни бу ерда 350 дан ортиқ автомашина газ ёнилғиси билан таъминланади. Улардан учдан бир қисми эса таксилардир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бизда — Совет Иттифоқида биринчи марта таксилар сиқиқ газ билан заправка қилинмоқда. Бу янгиликнинг, албатта, катта келажаги бор. Унинг жорий этилиши эса маълум миқдорда атроф-муҳит атмосферасининг бузилишини ҳам камайтиради.

Бирлашма коллективи КПСС XXVI съезди шарафига оширилган социалистик мажбурият олиб, уни шараф билан бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

Е. КЕЙНОВ,
«Ташгаз» бирлашмаси бошлиғи.

Г. САЙФУЛЛАЕВ,
партия ташкилоти секретари.

Металлни қайта ишлаш бирлашмаси коллективи шу йилнинг ўн ойи давомида пландан ташқари 100 минг сўмликдан зиёд кенг истеъмол буюмларини реализация қилди.

СУРАТДА: техника назорати бўлимининг контролёри А. Сиюнова ва пешқадам тунукасозлар бригадасининг бошлиғи А. Зуфаров тайёр маҳсулотлар сифатини кўздан кечиришмоқда.

Октябрь райони

«ЎНЛАР ТАШАББУСИ» БЎЙИЧА

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари беш йиллик планга қўшимча бир неча минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Бу меҳнат коллективида қўплаб комунистлар ишлашмоқда. Улар юксак меҳнат интизоми намуналарини кўрсатмоқдалар. Бошқалар бу илғорлардан ўрнак олишяпти.

Масалан, коммунист Шоира Ҳолмуҳамедова беш йиллик бошида республикамизнинг ўн илғор ишчиси қатори ватанпарварлик ташаббуси билан—беш йилда ўн йиллик программани бажариш ташаббуси билан чиққан эди. Хўш, натижа нима бўлди? Шоира ўз сўзининг устидан чиқди.

Шоиранинг бу ташаббусини «Малика»да кўплаб коммунистлар — А. Гладкова, М. Қодирова, Н. Эргашева, С. Ягудина, Р. Мадкаримова, Т. Молева ва бошқалар қўллаб-қувватладилар. Улар ҳам ўзларининг социалистик мажбуриятларини бажардилар. Уларнинг ҳар бири бир нечтадан станокка хизмат кўрсатяпти, ҳар бири кунлик топширикда белгиланганидан икки баравар кўп маҳсулот бермоқда.

Трикотажчилар беш йиллик планга қўшимча 12 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш ниятидалар.

Ленин райони

ИШЧИЛАР САФИГА

(РЕПОРТАЖ)

...Кечагина техника билим юртининг талабалари бўлган 15 нафар йигит ва қиз тантанали сафда қимир этмай турибди. Бугун эса...

— Бугун сиз ишчи деган шарафли номга мушарраф бўляпсиз,— корхона ветеранларидан бири, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери А. М. Муҳамедовнинг овози жаранглаб эшитилади.

Анвар Муҳамедовичнинг ўзи цехдаги ўртоқлари билан бирга август ойидаёқ икки беш йиллик планни бажарганлиги ҳақида рапорт берган эди. Бугун электрон-техника заводининг кўпминг кишилик коллективи сафига қўшилаётган ёшлар учун унинг фаолияти меҳнатга коммунистик муносабатнинг чинакам намунасидир.

Ёшларни ишчилар сафига тантанали қабул қилиш маросимига Анвар Муҳамедович билан бирга кўпгина ветеранлар, ишлаб чиқариш новаторлари ташриф буюрдилар. Бу тасодифий эмас. Тажрибали мастерларнинг ёш ишчиларга оталиқ қилиши заводда дастлабки кунларданоқ бошланади. Улар ниҳоятда талабчан бўлишса ҳам ҳар бир маслаҳатларидан меҳрибонлик сезилиб туради. Уларнинг фаолияти Мураббийлар кенгаши ва ёш ишчилар совети назорат қилиб турадиган махсус план бўйича олиб борилади.

Мазкур планда бевосита цех ва участкаларда ёрдам бериш билан бирга ёш ишчиларнинг техникум ва олий ўқув юртларида ўз малакаларини оширишларига ғамхўрлик ҳам кўзда тутилган. Социалистик мусобақанинг бориши ҳам жиддий назорат қилиб борилади. Чунки ёшлар корхонага келишлари билан мусобақага жалб этилади, йўл қўйган камчиликлари учун бошқа ишчилар қаторн жавоб берадилар.

Ёш ишчилар сафига қабул қилиш тантанали маросимида мураббийларнинг, ветеранларнинг иштирок этиши шунинг учун ҳам табиийдир.

Мана 196-техника билим юртининг битирувчилари Элина Шуригина, Татьяна Воротникова, Дмитрий Попов, Ноила Курматова ва бошқаларнинг олдига машҳур ишчилар—Ленин ордени кавалери М. Г. Воронцова ва М. Г. Попова яқинлашадилар. Мураббийларнинг ёш ишчиларга топширган алвон лентачаларида қисқагина қилиб «Ишчилар синфи» деб ёзилган. Залда олқишлар янграйди...

— Бу ҳаяжонли ва тантанали кун хотирамизда абадий сақланиб қолади,— дейди ёш йигитча — билим юртининг битирувчиси А. Ҳожибоев. — Биз ишчи деган юксак унвонга сазовор бўлиш, бизга кўрсатилаётган ғамхўрликни оқлаш учун бутун куч-ғайратимизни сафарбар этамиз.

Бу сўзлар ишчилар синфига қабул қилиш тантанали маросимида айтилган эди. Бугун эса билим юрти директорининг ўринбосари В. Мирбобоева қуйидагиларни хабар қилди:

— Барча битирувчилар план топшириқларини муваффақиятли адо этишяпти. Район партия конференцияси очиладиган куни улар корхонанинг бошқа илғор ишчилари қатори энг юксак меҳнат унумдорлигига эришишга аҳд қилганлар.

Ҳамза райони

МАИШИЙ ХИЗМАТ КЕНГАЙМОҚДА

Район маиший хизмат корхоналари шу беш йилликда бирмунча кенгайди. Шаҳримизнинг йирик маиший корхоналаридан бири — «Ўзбекистон» маиший хизмат уйи унинг етакчи корхонаси ҳисобланади. Янги, энг замонавий техника воситалари билан жиҳозланган бу уйда буюмларни «Химчистка»га топшириш, кўйлак, костюм тикириш, пойафзални ремонт қилдириш мумкин. Шу ерда сартарошхона ва фотосалон ишлаб турибди. Ҳар куни районнинг минглаб меҳнаткашлари маиший хизмат уйининг хизматидан фойдаланадилар. «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнатчилари учун бу ерга ташриф буюришнинг ҳожати йўқ. Корхонада ана шу маиший хизмат уйининг филиали очилган. У тикувчиларга турли-туман хизмат кўрсатмоқда. Шундай пунктлар бир қатор бошқа корхоналарда ҳам мавжуд. Уларнинг ҳаммаси Ленин районига аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бўйича шаҳарда энг юқори кўрсаткичга эришиш имконини берди.

Орадан кўп ўтмай бу кўрсаткич янада салмоқлироқ бўлиб қолади: «Подъёмник» заводида, трамвай-троллейбус бошқармасининг ётоқхонаси, «Средазэлектроаппарат» корхонасида, Қўйлиқ турар жой массивида, Куйбишев кўчасида ва бошқа ерларда янги комплекс қабул пунктлари очилади.

ҚУРУВЧИЛАР СОВҒАСИ

Тарас Шевченко кўчасида яна бир турар жой бинои қад кўтарди. Уни «Главташкентстрой» 8-трестининг Рустам Холиқов бошлиқ комплекс коммунистик меҳнат бригадаси тиклади. Янги уйнинг биринчи қаватли магазин учун ажратилган, қолган тўрт қаватида район корхоналарининг меҳнатчилари яшайдилар.

МУСОБАҚА АСОСИДА

Тўқимачилик комбинатининг 1-тўқув фабрикаси коллективи КПСС XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XX съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, катта муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Фабрикада айниқса, ўнинчи беш йиллик планни муддатидан илгари бажариб, келгуси беш йиллик ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқараётганлиги ҳақида рапорт берди. С. Юсупов 56 ўрнига 64 та станокда фидокорларча меҳнат қилмоқда. У йиллнинг охиригача пландан ташқари 30 минг метр газлама тўқиб чиқариш астойдил бел боғлаган.

З. ДЎСТМУҲАМЕДОВА.

БУГУН

фабриканинг мастер ёрдамчиси Сафар Юсупов беш йилликни бажариб, 1981 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқараётганлиги ҳақида рапорт берди. С. Юсупов 56 ўрнига 64 та станокда фидокорларча меҳнат қилмоқда. У йиллнинг охиригача пландан ташқари 30 минг метр газлама ишлаб чиқаришди. 24 та ўрнига 36 тадан станокда ишлаётган бу тўқувчилар социалистик мусобақада ҳам пешқадамлик қилишмоқда.

АЛОҚАНИ КЕНГАЙТИРИБ

Коммунист Диля Орипова шаҳарлараро телефон станциясида алоқачи бўлиб ишлаб келади. Унга энг яхши мутахассис сифатида XXII Олимпиада ўйинларида абонентларга хизмат кўрсатиш ишониб топширилган эди. Бу илғор ишчи ўз ишлаб чиқаришида биринчи бўлиб шахсий беш йиллик планни бажарди.

Шаҳарлараро телефон станциясида коммунистлар социалистик мусобақада пешқадамлик қилиб келишяпти. Уларнинг ҳисобида кўпгина ташаббуслар, рационализатор р л и к таклифлари, новаторлик ишлари бор.

Улар меҳнат қилаётган корхона замонавий техника базасига эга. Агар 1975 йилда шаҳарлараро телефон алоқасида автоматлаштириш даражаси 76 процентни ташкил этган бўлса, ҳозирда у 90 процентгача ўсди. Автоматлаштирилг а н алоқа Москва, Ленинград, Горький, Харьков, Минск ва Иттифоқимиздаги кўпгина шаҳарлар билан ўрнатилган. Бундай алоқа республикамиз н и н г кўпгина район ва область марказлари билан ҳам боғланган. Шаҳарлараро телефон автоматларининг сони ҳам ўсди.

Коммунистлар — Улуғ Ватан уруши ветерани, монтёр Мансур Мўминов, инженер Саида Иброҳимова, Диля Орипова ва бошқалар район ҳисобот-сайлов партия конференциясида станция коллективи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича тўрт йилу ўн ойлик планни 200 минг сўмликка ошириб бажарганликларини, юзлаб минг қўшимча абонентларга хизмат кўрсатганликларини фахр билан маълум қилдилар.

«ҚИЗИЛ ТОНГ» ЯНГИЛИКЛАРИ

«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси савдо тармоқларига жўнатиш учун бир туркум янги буюмларни — шу кун модаси бўйича жун газламадан тикилган кузги пальтоларни тайёрлаб қўйди.

Корхона янгиликлари шу билан чекланмайди. Келаси йилнинг ўзидаёқ бирлашма коллективи қийинмларнинг юздан зиёд янги моделларини ҳамшаҳарларимизга тақлиф этади.

Тошкент тепловоз депосининг биринчи класс машинистлари (чапдан ўнгга) Р. Азизов ва Е. Балюра съездолди зарбдор вахтасида вақтдан ўзиб меҳнат қилишяпти. Коммунистик меҳнат зарбдорлари намунали меҳнат қилиш билан бирга, ўз тажрибаларини ёшларга сидқидилдан ўргатишмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.

ҚИШЛОҚҚА—УНУМЛИ ТЕХНИКА

«Ташсельмаш» заводи ишлаб чиқараётган саноат маҳсулотининг ҳажми район корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулот умумий ҳажмининг 11 процентдан зиёдини ташкил этади. Район партия конференциясидан кейинги икки йил «Ташсельмаш»чилар учун жуда тиғиз йиллар бўлди ва у ўнинчи беш йиллик планларини бажаришда қувончли ютуқларни қўлга киритиш билан нишонламоқда. Завод коллективи шаҳарда биринчилар қаторида асосий техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича беш йиллик топшириқни бажарди. Беш йиллик охирига қадар пландан ташқари 30 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади ва реализация қилинади.

Шу йилнинг ўн ойи мобайнида пландан ташқари 121 та пахта териш машинаси тайёрланди. Ана шу йилларда ишлаб чиқаришнинг техника даражаси юксак сифатлар билан ошди. Янги ишлаб чиқариш участкалари ташкил этилди.

Корхонада КПСС XXVI съездини муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб олиш юзасидан социалистик мусобақа кенг қулоч ёйган. 7 ноябрь арафасида кўпгина коллективлар, бригада, участкалар, ишчилар беш йиллик план бажарилганлиги ҳақида рапорт бердилар. Жумладан, қуюв цехининг ишчилари Р. Тошхўжаева, А. Платонова, А. Ушаков, Р. Ан сингари илғорлар Улуғ Октябрнинг 63 йиллигига ўзларининг беш йиллик топшириқларини бажардилар.

Тайёрлов цехининг Б. Идрисхўжаев, А. Тошўлатов, Н. Асқархўжаев, Р. Чучарин. ўртоқлар бош бўлган коммунистик меҳнат бригадалари йиллик топшириқни 1 октябрда адо этди. Қолган икки ой мобайнида улар ўн биринчи беш йиллик ҳисобига ишлашмоқда.

КОНФЕРЕНЦИЯ ҚАТНАШЧИЛАРИГА ҚИЗҒИН САЛОМ!

● ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

ЮТУҚЛАР ОМИЛИ

Тошкент каноп фабрикаси коллективи КПСС XXV съезди қарорларини оғишмай амалга ошира бориб, съезддан съездгача бўлган давр — сифат ва самарадорлик беш йиллигида қувончли меҳнат ютуқларини қўлга киритмоқда.

Чунончи, канопчилар маҳсулот реализация қилиш бўйича йиллинг ўн ойи планини муваффақиятли уддаладилар. Пландан ташқари 350 минг сўмлик каноп маҳсулотлари халқ хўжалигига етказиб берилди.

Хўш, бундан бир неча йиллар муқаддам планларини уддалай олмай келаётган коллектив бундай юқори кўрсаткичларга қандай эришяпти?

Ютуқлар— корхонанинг эскирган, қисман ишдан чиққан ускуналарини янгиларига алмаштириш, ишлаб чиқаришни реконструкциялаш ва технология билан қуроллантириш натижасида қўлга киритиляпти. Беш йилликнинг ўтган йиллари мобайнида бу соҳада талай ишлар амалга оширилди. Жумладан, тўқув цехидаги эскирган дастгоҳлар бутунлай янги станоклар билан алмаштирилди. «ТТ—160» маркали 25 та тўқув дастгоҳи ўрнига серунум «АТ—120М» маркали 144 та агрегат ўрнатилди. Бу билан цехдаги такомиллашган машиналар сони 250 тага етиб, меҳнат унумдорлиги 25 процент ошди, бошқача айтганда, бир йилда мўлжаллангандан 500 минг метрдан зиёд каноп толаси ишлаб чиқариляпти. Шунингдек, йигирув цехида ҳам кўпгина замонавий, серунум ишлайдиган таров, ленталаш, йигирув, арқон тўқийдиган машиналар ўрнатилди ва уларнинг тўла қувват билан ишлаши таъминланди.

Бундан ташқари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида йигирув цехидаги эскирган «ПС—132—ПД» ва «КШ—4» маркали машиналар сифатли ремонтдан чиқарилиб, қайта ишга туширилди. Бу ҳам иш унумини кўтариш имконини берди.

Айниқса, корхона рационализатор ва ихтирочиларининг изланиши фойдали бўлди. Улар лента таров машинасини бир типли қилиш мақсадида конструкциясига айрим ўзгартишлар киритдилар. Илгари каноп катта тишли таров машинасидан, сўнгра бир жараёнли таров машинаси ва бошқа тўғрилагич, тахлагич агрегатларидан ўтиб, иш вақтини узайтирарди. Эндиликда бу жараён қисқартирилди. Пировардида, иш соати тежалди. Маҳсулотни тез ва сифатли чиқаришга эришилди. Аввал галтакка 120 грамм ип ўраладиган бўлса, ҳозир ипнинг оғирлиги 600—650 граммга етди.

Техника тараққиёти йўлида тинмай изланаётган корхона ишчи ва хизматчилари ўзлари учун яна бир қулайлик яратдилар. Юк ташувчи занжирли конвейер такомиллаштирилди. Натижада бир неча ишчи кучи тежалиб, тайёрланган калава иккинчи қаватга автоматик равишда чиқариладиган бўлди. Шунингдек, тўқув цехининг тайёрлов участкасидаги иқлимни мўътадил тутиб туриш мақсадида «ВУУ-60» маркали саноат кондиционери ишга туширилди.

— Бу йил корхонамизнинг қувватини ошириш мақсадида, — дейди фабрика бош инженери Т. Холиқов, — яна 32 та янги «АТ—160А» маркали тўқув станогини монтаж қиламиз. Бундан ташқари «ЛЦ —2ПД» ва «ЛЦ—1ПД» маркали тез юрар ленталаш машиналаридан 20 таси ўрнатилади.

Фабрика ижодий кишилари ўртасида рационализаторлик ҳаракати яхши йўлга қўйилган. Маъмурият, партия ва касаба союз ташкилотлари рационализатор ва ихтирочилар сафини кенгайтириш, уларнинг ижодий изланиши учун қулай шароитларни яратиб беришга, ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга катта эътибор беряптилар. Инженерлар тиниб-тинчимас новатор ишчиларга ижодда яқиндан ёрдам беришяпти. Улар учун вақти-вақти билан консультациялар уюштириб турилади.

Корхона рационализатор ва ихтирочилари ўнинчи беш йилликнинг ўтган йиллари мобайнида бир неча миллион сўмлик иқтисодий самара берадиган таклифларни жорий этдилар. Улар бу йил ҳам кенг кўламда ижодий изланиш олиб боришяпти. Йил бошидан бери 24 та таклиф тушди. Шундан 20 таси ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бунинг натижасида ҳар йили 2 минг сўмлик давлат маблағи тежаб қолиш имкони туғилди.

Ю. Асокин, Ш. Зильберменц, Н. Никонов, Н. Шеркеевич, Ф. Воропаев, Н. Черепенников сингари рационализаторлар ижодий изланишлари — асбоб-ускуналарни монтаж қилиш технологиясини такомиллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, моддий ва энергетика ресурсларини тежашга оид самарали таклифлари билан коллектив ҳурматига сазовор бўлишяпти.

Яқинда корхона техника бўлими каноп ип билан бирга арқонга 50 процент миқдорида вискоза ипи қўшиш мумкинлигини кўп вақтли тажрибадан сўнг аниқлади. Тўқилган мато Янгийўл пахта заводига тойларни ўраш учун юборилди. Тажриба яхши натижа берди. Ундан сўнг ўралган маҳсулот Донецк ип-газлама комбинатига юборилди ва у ердан ҳам қониқарли натижа олинди.

Фабрикада илғорлар сафи йил сайин кенгайиб боряпти. Коммунистик меҳнат зарбдорлари 150 нафардан ошиб кетди. Корхона цехларида «Сафимизда қолоқлар бўлмасин!», «Беш йиллик план— муддатидан илгари» шиорлари остида ютуқлар сарчашмаси бўлган социалистик мусобақанинг таъсирчанлиги ортмоқда. 40 дан ортиқ ишчи ўн биринчи беш йиллик ҳисобига ишламоқда. Улар орасида В. Свиридова, В. Бикерева, К. Галямова, С. Година каби илғор ишчилар бор.

Техника тараққиёти йўлида тинмай изланиб, юксалиш сари дадил одимлаётган канопчилар КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездларини муносиб кутиб олиш мақсадида ҳар қачонгидан зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар.

О. ҲАКИМОВА.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ТЕМИРЙЎЛНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

ГАВАНА. Куба Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, республика транспорт министри Гильермо Гарсиа темир йўлларни мамлакат транспортининг энг самарали турига айлантириш режаларини маълум қилди. У темирйўлчиларнинг Камагуэй шаҳрида бўлиб ўтган миллий кенгашида сўзга чиқиб, ҳозирги вақтда транспортнинг шу турини ривожлантиришга давлат 600 миллион песодан зиёд маблағ ажратаётганини айтди.

Гильермо Гарсиа меҳнаткашларни мавжуд камчиликларга қарши кескин курашишга, интизомсизлик ва уюшқоқсизлик, масъулиятсизлик ва хўжасизлик кўринишларига жанг эълон қилишга чақирди.

Кенгаш қатнашчилари темир йўлларнинг фаолиятини анча яхшилашга доир бир қанча таклифларни маъқулладилар.

СОВЕТ ИТТИФОҚИДАГИ ДЎСТЛАР ЁРДАМИ

МАПУТУ. Мозамбик портлар ва транспорт министри А. Сантуш қуйидагиларни айтди: Совет Иттифоқи Мозамбикнинг барча порт хизматини тиклашда катта ҳисса қўшди. Маълумки, мамлакатимиз порт хизмати реакциянинг саботаж ва диверсиялари натижасида издан чиққан эди. Совет мутахассисларининг мозамбик ишчилари ва инженерлари билан елкама-елка туриб қилган фидокорона меҳнати портларнинг тўла қувват билан ишлашини таъминлабгина қолмай, шу билан бирга уларнинг мамлакатнинг хом ашё ва турли молларга бўлган талабини қондириш учун юк оборотини йил сайин ошириш имконини бермоқда.

Мустақилликка эришилгандан кейин Мозамбик Халқ Республикаси олдида Мапуту, Бейре, Накам ва Иньямбане портларидан фойдаланишга оид жиддий проблемалар қўйилди. Мустамлакачи маъмурларнинг кўрсатмасига биноан кўпчилиги чет эл гражданлари бўлган малакали мутахассислар ва ишчилар мамлакатдан кетиб қолдилар. Улар мамлакатдан кочиб кетар эканлар, асбоб-ускуналарни издан чиқардилар, техника ҳужжатларини йўқ қилдилар. Ирқчи Родезия авиациясининг ҳуружлари, шунингдек диверсиячиларнинг фаолияти катта зарар етказди. Улар портларни қўшни давлатлар билан боғлайдиган кўприклар ва темир йўлларни вайрон қилдилар.

Катталиги жиҳатдан иккинчи ўринда турган Бейре портида айниқса қийин аҳвол вужудга келди. Родезия ирқчиларининг ва четдан юборилган диверсиячилар ва саботажчиларнинг ҳуружлари натижасида порт бир вақтлар қарийб бутунлай ишдан чиқарилган эди. Бироқ меҳнаткашларнинг ташаббуси, шунингдек Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг кўмаги билан порт қисқа муддатларда яна ишга туширилди. СССРдан келган дўстларимизнинг Бейре портини тиклашдаги хизматларини баҳолаш қийин, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда порт инженери Фегейра.

Иньямбанедаги порт ҳам ишлай бошлади. Маълумки, 20 йил давомида бу портда ишлар тўхтаб қолган эди. Совет портчиларининг ёрдами билан тайёрланган 2 минг мозамбиклик ишчи Мапуту портида фаол меҳнат қилмоқда. Улар 1979 йилда 10 миллион тонна юкни қабул қилиб олдилар ва жўнатдилар.

ЖИДДИЙ ТАШВИШ ТУҒДИРМОҚДА

ҚОБУЛ. «Қабул Нью Таймс» газетаси Покистоннинг Хитой ва АҚШ ёрдами билан милитарлаштирилаётганлиги жиддий ташвиш туғдираётганлигини билдиради. Газета редакцион мақоласида қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: Покистоннинг зўр бериб қуролланаётганлиги, шунингдек Ҳинд океани зонасида АҚШ ҳарбий кучларининг жойлаштирилганлиги регионда тинчлик ва осойишталикни жиддий хавф остида қолдирмоқда ва ер куррасининг шу қисмида кескинлик авж олдирилишига сабаб бўлмоқда.

Газета Пекин Покистонни милитарлаштиришда актив роль ўйнаётганлигини қоралайди. Хитой бу мамлакатни, хусусан Афғонистонда Апрель революцияси ғалаба қилгандан буён қуроляроғлар билан мунтазам равишда таъминлаб келмоқда. Ҳозирги кунда АҚШ бошчилигидаги империализм Хитой гегемончилари ва реакцион доиралар билан иттифоқ бўлиб, Афғонистонга қарши ва региондаги бошқа мамлакатларга, шу жумладан Ҳиндистонга қарши қўпорувчилик ишлари олиб бориш учун Покистон территориясидан фойдаланмоқда. Пекин ўз иттифоқчилари билан биргаликда, деб таъкидлайди «Кабул Нью Таймс» газетаси, Афғонистонга қарши эълон қилинмаган урушни давом эттирмоқда, Афғонистон Демократик Республикасига қарши пропаганда кампаниясини кучайтирмоқда.

Газета яна қуйидагиларни ёзади: Покистон билан Хитой ўртасида АҚШ раҳнамолигидаги иттифоқ региондаги мамлакатларнинг ички ишларига аралашиш мақсадини кўзда тутади. «Кабул Нью Таймс» газетасининг фикрича, исёнчилар ва контрреволюцион унсурларни тайёрлаш, уларга Хитой, Покистон, Америка, Миср ва Англияда ишлаб чиқарилган қурол-яроғларнинг берилаётганлиги, шунингдек қўпорувчилик ишлари учун Покистон территориясидан фойдаланилаётганлиги — буларнинг ҳаммаси бу мамлакат халқининг манфаатларига мос бўлиб тушмайди, балки аксинча империализм манфаатларига хизмат қилади. Империализм региондаги тараққийпарвар кучлар ва миллий озодлик ҳаракатини бостиришга уринмоқда.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

ЖАЗОИР. АХДР миллий халқ мажлиси (мамлакат парламенти) сессияси Жазоирни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1980 — 1984 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани тўғрисидаги қонун лойиҳасини тасдиқлади. Шу мақсадларда бўлажак беш йилликда 400 миллиард жазоир динори сарфланади. Бу эса мамлакатда прогрессив ўзгартишлар қилишга ҳамда Жазоир меҳнаткашларининг турмуш даражасини оширишга анчагина кўмаклашади.

• • •

АММОН. Тель-Авив марказий статистика бошқармасининг хабар беришича, Исроилда олтмиш беш минг ишсиз бор. Исроил матбуоти ана шу рақамларни эълон қилиб, ишсизлар сони кун сайин кўпаймоқда, деб таъкидлайди. Экономистларнинг фикрича қимматчиликнинг тўхтовсиз ўсиши, мамлакатда пулнинг қадрсизланиши ишчи ўринлари сони қисқаришининг асосий сабабидир. Мамлакатда қимматчилик бир юз ўттиз процентга, пулнинг қадрсизланиши эса бир юз эллик процентга етган.

✦ БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

Мажбурият бажарилди

«Ўзбексельмаш» машинасозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи съездолди меҳнат вахтасида туриб, ўн ойлик якуни бўйича беш йилликнинг якунловчи йилидаги энг муҳим социалистик мажбуриятни бажарди— планга қўшимча ярим миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Бу бутун коллективнинг зўр бериб қилган меҳнати натижасидир. Партиянинг бўлажак XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун аҳд қилган мингдан ортиқ ишчи шахсий йиллик планини муддатидан илгари адо этиш мажбуриятини олганди. Шундан 600 нафари бу ваъдасини бажарди. Бу илғорлар қаторида коммунистлар темирчи Г. Холматов, токарлар З. Шошина, В. Завода, фрезерчилар У. Шербоев, пармаловчи У. Исахўжаев ва бошқалар бор.

Ҳозир республикамиз олий мукофот — Ленин ордени билан тақдирланганлигидан илҳомланган машинасозлар ноябрь ойи планини барвақт уддалаш мақсадида ғайратта-ғайрат қўшиб меҳнат қиляптилар. Бу ой давомида 850 та пахта сеялкаси, 350 та кўрак чувиш машинаси, 750 та тупроққа гербицид соладиган мослама, кўплаб эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш учун ҳаракат қиляптилар.

В. ДРАЧЕВ,
«Ўзбексельмаш» машинасозлик бирлашмаси ходими.

Граждан авиациясининг Тошкент аэропорти коллективи кузги—қишки учиш мавсумини юқори савияда ҳамда хавфсиз бўлишини таъминлаш борасида катта тадбирларни амалга оширмоқда. Бу ишда замонавий электрон техникаси ёрдам кўрсатяпти.

СУРАТДА: диспетчерлик хизматининг навбатчилари учиш маршрутларини белгилашяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

Ишчилар ҳузурида

БУГУН

Киров район партия комитети ва «Билим» жамиятининг район ташкилоти КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленуми қарорларига бағишлаб олимларнинг корхоналарда суҳбатлар ўтказишини ташкил қилдилар. Бу чиқишлар «КПСС — давримизнинг ақл-идроки ва виждони» деб номланди.

Тошкент Давлат университети, алоқа электротехника, Ўрта Осиё медицина педиатрия институтларининг олимлари, ўқитувчаларидан иборат бўлган группалар «Ўзбексельмаш», Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли, «Малика» бирлашмаларида, асбобсозлик заводида, «Строймеханизация» трести, «Технолог» бирлашмаси, «Ўртоқ» фабрикаси ва барча ўрта мактабларда бўлдилар.

Олимлар ишчи ва хизматчиларга партиямизнинг ҳозирги пайтда олиб бораётган доно тинчликсевар сиёсати, мамлакатимиз халқларининг фаровонлиги тўғрисида қилаётган ғамхўрлиги, улуғвор ўнинчи беш йиллик якунлари ва келгуси беш йиллик истиқболлари ҳақида гапириб бердилар.

Республика бўйлаб

Нишон районидаги 11-қўриқ совхозининг кекса боғбони Мухтор Бобо Рўзиев Қарши даштида анорзор барпо этди. Анорнинг энг яхши тоғли нав кўчатлари 25 гектардан кўпроқ майдонга ўтқазилди. Яна 15 гектар майдонда токзорлар бунёд этилди. Кўчатлар ва қаламчалар қўриқ ерда яхши тутди. Ветеран бошчилик қилаётган хўжалик боғбонлари келгуси йилнинг куз фаслидаёқ мева ва узумдан мўл ҳосил йиғиштириб олиш ниятидадир.

∴∴∴

Султонҳовуз шўр кўли тугатилди. Республика мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги бўлинмаларининг мелиораторлари бу кўлни қуритдилар. Кўлдаги сув Мирзачўлни магистрал коллекторига оқизилди. Ҳозир собиқ кўл тубида келгуси йил чигит экиш дала ишлари олиб борилмоқда. Сирдарё областидаги «1-Боёвут» совхозининг деҳқонлари бу ерда юз тоннадан кўпроқ «оқ олтин» йиғиштириб олиш ниятидадирлар.

∴∴∴

Қашқадарё областидаги қўриқ «Пахтакор» совхозида янги сут-товар комплекси фойдаланиш учун топширилди. Бу комплекс совхозга сут ва гўшт етиштиришни кўпайтириш имконини беради. Комплекс айни вақтда 60 бош сигирни боқиш учун мўлжалланган. Совхознинг «сут фабрикаси» одатдаги чорвачилик фермаларига ўхшамайди. Бу— юксак даражада механизациялашган замонавий корхона бўлиб, унда қўл меҳнати жуда ҳам камайтирилган. Транспортёрларнинг ленталари ем-хашак моллар учун фермаларга ва биноларга буғлатилган озуқани етказиб беради, гўнгни йиғиштириб олади. «Молокопровод» ярим автомат сут соғиш қурилмаси сут соғиш вақтини анча камайтириш имконини берди. Бутун комплексда атиги йигирма уч киши ишлайди. Бу эса илгари хўжаликда тарқоқ механизациялаштирилмаган фермалар бўлган даврдагидан уч баравар камдир.

ИЛҒОР БРИГАДА

БУГУН

Тошкент қурилиш Бош бошқармаси 153-трестига қарашли 39-бошқарманинг Р. Зиёев бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси Фрунзе районидаги Абдуллаев кўчасида янги 4 қаватли 32 хонадонга мўлжалланган турар жой биносини муддатидан илгари фойдаланишга тахт қилиб қўйди. Мазкур қурилиш коллективи айни пайтда ўн биринчи беш йилликнинг биринчи квартали ҳисобига меҳнат қилмоқда. Бригада пудратига риоя қилган ҳолда қурувчилар Злобин методи асосида ишламоқдалар.



ПАРИЖ. Сена бўйлаб ўтказилган анъанавий пойгада шундай мусобақаларда қаторасига тўрт марта ғолиб чиққан англиялик Роберт Спэлдинг биринчи ўринни эгаллади.

ЮПИ — ТАСС фотоси.

Объектлар вақтида фойдаланишга топширилсин

ДАВОЛАШ МУАССАСАЛАРИ ҚУРИЛИШИДАГИ НУҚСОНЛАР

Партия ва ҳукуматимиз меҳнаткашлар саломатлигини сақлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатмоқда. Даволаш муассасалари тармоғини кенгайтириш, уларда ўринлар сони ва замонавий медицина жиҳозларини кўпайтириш билан бирга янги-янги даволаш объектлари қуриш, мавжуд муассасаларни реконструкция қилиш ҳам бу соҳада амалга оширилаётган ишларнинг таркибий қисмидир. Ҳар йили кўплаб янги поликлиникалар, шифохона ва профилакторийлар қурилиб, меҳнаткашлар хизматига берилмоқда. Фақат шу йилнинг ўзида пойтахтимизда шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси даволаш объектлари қурилиши учун 4.3 миллион сўмликдан ортиқ капитал маблағ ажратилган.

Хўш, бу борадаги қурилиш ишлари қандай амалга ошириляпти? Бинокор қурувчилар давлатимиз томонидан ажратилган ана шу капитал маблағларни ўз пайтида ишлаб чиқаришга жорий этяптиларми? Ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида шаҳримиздаги бир қатор соғлиқни сақлаш муассасалари қурилиши билан танишдик.

— Шу йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида 3,3 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш планлаштирилган эди, — дейди шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А. Г. Аваньян. — Аммо бор-йўғи 767,9 минг сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилиб, бу соҳадаги план 23,6 процент қилиб ўринлатилди, холос.

Хўш, бу соҳадаги қолоқликнинг сабаблари нимада? Шаҳримизнинг 1 Май проспекти ва Карл Маркс кўчалари туташган жойда 6-туғруқхона учун 260 ўринли янги корпус қурилиши бошланганига уч йилдан ошди. Аммо ҳалигача бу ерда қурилиш ишларини жонлантириш қийин бўляпти. Илгари бу ерда 8-қурилиш трестига қарашли 4-қурилиш-монтаж бошқармасининг Н. Карпиенко бошлиқ бригадаси қурилиш ишларини бениҳоя чўзиб олиб борган эди. Яқинда бу ерга шу бошқарманинг Н. Клочков бошлиқ бошқа бригадаси биркитилди. Бу пешқадам коллектив қурилиш ишларини жадаллатиш ва сифатли олиб бориш бўйича яхши тажрибага эга бўлганига қарамай объект бошқарма раҳбарлари томонидан етарли материаллар билан таъминланмаяпти. Шунинг учун ҳам бу ерда фақатгина пойдевор қисмининг қурилиши икки йилдан ортиққа чўзилди.

— Икки-уч ой мобайнида пайвандлаш учун электродлар етишмаганлиги қурувчиларимиз қўлини боғлаб қўйди, — дейди бригада бошлиғи.— Эндиликда эса электродлар етарли, аммо пайванд қилиш учун арматуралар йўқ. Бунинг устига бинони лойиҳалаган «Ташгипрогор» институти иш чизмаларидаги номутаносибликлар ҳам ишга халақит беряпти.

Бу ерда янги туғруқхона корпуси қурилиши тугалланиши билан эски бино бузиб ташланиши, унинг ўрнида ҳам яна бир янги корпус қурилиб, реконструкциялаш ишлари ниҳоясига етказилиши лозим. «Строймеханизация» трестининг кўтарма кранлари етишмаётганлиги, баъзан кислород, карбид келтирилмаётганлиги ҳам асосий бинода қурилиш ишларини олиб боришни қийинлаштираяпти. Натижада биринчи бино қурилишини тугалламасдан унга ёнма-ён иккинчи бинони қуришга киришиш чўзиляпти.

Бундай аҳволни Сергелида қурилаётган 130 ўринли яна бир туғруқхона мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда иш олиб бораётган 3-қурилиш трестининг 5-бошқармаси котлаван қазишдан нарига ўтгани йўқ. Аслида эса бу йил бу объектда 400 минг сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, унинг келгуси йилда фойдаланишга топширилиши таъминланиши лозим эди. Мазкур бошқарма бу ерда ишни сусткашлик билан олиб бораётганлиги туфайли Сергелида худди шунга ўхшаш яна бир туғруқхона қурилишини бошлашга киришиш ҳам қийин бўляпти. Объектда йил охирига қадар 110 минг сўмлик иш бажариш планлаштирилган. Агар 5-қурилиш бошқармаси объектларни қуришни ўз вақтида бошлашга шу таҳлитда кечикиб киришса, демакки, уни фойдаланишга топшириш муддатлари йилдан-йилга кўчишга тўғри келади.

4-қурилиш трестининг хўжалик ҳисобидаги участкаси Юнусободда Роза Люксембург номли 210 ўринли болалар касалхонаси қурилишини ҳам ҳаддан ташқари чўзиб юборган. Шу йилнинг бошларидаёқ бу ерда монтаж ишларининг кўп қисми бажарилганлигига қарамай амалда иш тўхтаб қолди. Шунинг учун ҳам пардозчиларнинг битай деб қолган бу бинода иш бошлашлари учун зарур фронт яратилмай қолди. Мана ҳозирги кунда ҳам иккита уч қаватли бино савлат тўкиб турибди-ю у ерда бирор тирик жон кўринмайди. Аслида объектда бу йил 662 минг сўмлик қурилиш ишлари бажарилиши лозим эди. Амалда эса 30 минг сўмлик иш қилинди, холос. Бунинг сабабларини сўраганимизда, 38-қурилиш бошқармаси бошлиғи Г. Трекосув шундай жавоб берди:

— Бу объектнинг бош пудратчилари тез-тез ўзгаряпти. Масалан, илгари хўжалик ҳисобидаги участка иш олиб борган бўлса, кейин у бизнинг 38-бошқармага ўтказилди. Аммо бизнинг бошқарма бу объектга бош пудратчи этиб тайинлангани тўғрисида ҳам аниқ кўрсатма йўқ.

Кўриниб турибдики, шаҳримиз аҳолиси фарзандлари саломатлиги учун ниҳоятда зарур бўлган бу объект қурилишига бўлган муносабатнинг ўзи ҳам кишини ажаблантиради. Ҳатто объектда бирор қурувчини топиш мушкул бўлганидек, унинг мутасаддиларини ҳам аниқлаш қийин. Буни бошқарма раҳбарларидан сўраганимизда, объект бу йил фойдаланишга топшириш планида эмас деб жавоб беришади. Ҳар ҳолда йил бошида монтаж ишлари тугай деб қолган объектнинг бутун йил давомида ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги ва унинг фойдаланишга топширилиш муддати ўзгарганлиги ажабланарли.

Чилонзорнинг Бобир кўчасида қурилаётган шаҳар онкология диспансерини бу йил фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Аммо объект қурилишида ишлар ўлда-жўлда. 12-қурилиш трестининг 51-бошқармаси бу ерда пардозчилар учун иш фронтини жуда кечикиб тайёрлашаяпти.

Ўзбекистон кўчасида қурилиши керак бўлган 200 ўринли туғруқхонада ҳам аҳвол яхши эмас. Бу ерда ҳалигача котлован қазиш ишлари охиригача бажарилгани йўқ.

Шаҳримизнинг Карл Маркс кўчасида кунига 850 киши қатнаб даволанадиган етти қаватли поликлиника аллақачон фойдаланишга топширилиши лозим эди. Бу ерда иш олиб борган 8-қурилиш трестининг 1-қурилиш-монтаж бошқармаси ишни шу даражада чўзиб юбордики, ўтган ўн ой мобайнида 283 минг сўмлик ўрнига 123 минг сўмлик иш бажарилди холос. Объектда қурувчиларни топиш у ёқда турсин, ҳатто уларнинг вагончалари ҳам йўқ.

Шаҳримизнинг Арнапоя кўчасида қурилаётган 6-шифохона учун янги корпус қурилишида ҳам иш кўнгилдагидек эмас. Собир Раҳимов районида 25 минг порцияга мўлжалланган болалар сут ошхонаси қурилиши ҳам шаҳримиздаги даволаш муассасаларини овқат билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиши лозим эди. Аммо 6-қурилиш трестининг 70-бошқармаси бу объектда ҳам иш бошламаяптилар.

Пойтахтимизда шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасига қарашли объектларда капитал маблағлар ўзлаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари планининг 20 процентдан сал кўпроқ бажарилганлигига сабаб ҳам юқорида санаб ўтилган объектлардаги аҳволнинг нақадар ташвишлилигидадир.

Бундай нуқсонлар шаҳар дорихоналар бошқармасига қарашли объектлар қурилишида ҳам содир бўляпти.

— Бу йил шаҳримиздаги дорихоналар қурилишида 888 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиши керак эди, — дейди бошқарма капитал қурилиш бўлими бошлиғи Р. Амирхонов. — Амалда эса октябрь ойига қадар 140,4 минг сўмлик иш бажарилди, холос. Бу планнинг атиги 15,6 процентини ташкил этади.

159-қурилиш тресті «Марказ — 1Б» микрорайонида қураётган дорихона кўп қаватли турар жой биносининг дастлабки қаватидан ўрин олиши керак. Турар жой биноси бундан тўрт йил илгари фойдаланишга топширилганига қарамай, ҳалигача биринчи қаватдаги дорихонада қурилиш ишлари тугаллангани йўқ. Бу ерда онда-сонда қурувчиларни кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам объектни фойдаланишга топшириш муддатлари йилдан-йилга, кварталдан- кварталга кўчиб келяпти. Қурувчилар ишни бу ерда шу тахлитда олиб борса, объектнинг йил охиригача фойдаланишга топширилиши гумон бўлиб қолади.

8-қурилиш тресті Ҳамза районидаги Шолохов кўчасида қурган уй-жой биносининг дастлабки қаватидаги дорихона шу йилнинг иккинчи кварталида ишга туширилиши лозим эди. Аммо ҳалигача бу ерда пардоз ишлари тугаллангани йўқ. Бундай қониқарсиз аҳволни 3-Сергели микрорайонидаги 27-уйнинг дастлабки қаватида, 1-уйсозлик комбинати қураётган дорихонада, Олмазор микрорайонининг 11-уйи ёнида 2-уйсозлик комбинати қураётган объектларда ҳам кўриш мумкин. 2-уйсозлик комбинати 1-Қорасув микрорайонидаги 5-турар жой биносининг дастлабки қаватида қурилаётган дорихона биносида ҳам қурилиш ишларини атиги 19 процент бажарган холос.

Беш йилликнинг охирги йили якунланаётган, барча ишлаб чиқариш ва қурилиш ташкилотларида режаланган ишлар ниҳоясига етказилаётган, объектларни белгиланган вақтида фойдаланишга топшириш учун шарт-шароит яратишга муҳим аҳамият берилаётган бир пайтда биз юқорида айтиб ўтган объектлардаги қурилиш ишларининг мақсадга мувофиқ олиб борилмаётганлиги ачинарлидир. Қурилиш учун ажратилган капитал маблағларни ўз пайтида ўзлаштирмаслик, объектларни белгиланган вақтда фойдаланишга топширмаслик ҳоллари бу йилги режаларнинг амалга ошишига тўсқинлик қилиши билан бирга, келгуси йилда қуриладиган объектларда ишни аниқ маромда ташкил этишга ҳам халақит беради. Юқорида номлари келтирилган қурилиш ташкилотларининг мутасаддилари бундан зарур хулоса чиқаришлари ва қурилиш ишларини кечиктирмасдан олиб бориш учун бу борадаги муаммоларни якдиллик билан бартараф этишлари тақозо этилади. Бу ҳозирги пайтда қурилиш ташкилотлари зиммасидаги энг масъулиятли вазифадир.

М. АБДУЛЛАЕВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

ИНСОН АҚЛ-ЗАКОВАТИНИНГ НОДИР ЖАВОҲИРИ

ЎЗБЕК СОВЕТ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИНИНГ НАШР ЭТИБ БЎЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Ўзбекистон халқлари ҳаётида сиёсий, илмий ва маданий жиҳатдан жуда муҳим воқеа содир бўлди— Ўзбек Совет Энциклопедиясининг биринчи нашрини чиқариш тугалланди. Илмий билимларнинг системалаштирилган мажмуи бўлган бу капитал асар ўзбек қомусчиларининг олимлар, мутахассислар, адабиёт ва санъат ходимлари, партия, давлат ва жамоат арбоблари, матбаачилар ва картографлар билан ижодий ҳамкорлиги самарасидир.

Ўзбек Совет Энциклопедияси — экономика, фан ва маданиятнинг барча соҳалари бўйича энг муҳим термин ва тушунчаларни ўз ичига олувчи универсал справочник адабиётдир. Унинг саҳифаларида ўзбек халқи ва СССРдаги бошқа қардош халқларнинг ривожланган социалистик жамият қуришдаги фаолияти, экономика, фан ва маданият тараққиётидаги улкан ютуқлари ўз аксини топган, ҳозирги замон илмий билимлар даражаси марксизм-ленинизм нуқтаи назаридан ёритилган, партиянинг ленинча миллий сиёсати тантанаси, СССРда социалистик ва коммунистик қурилиш жараёни кўрсатилган, социалистик мамлакат халқларининг экономика, фан ва маданиятда эришган ютуқлари, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг тараққиёти, ўз мустақилликлари учун кураш олиб бораётган халқларнинг миллий-озодлик ҳаракати акс эттирилган.

Энциклопедик характердаги бундай асарлар яратишга қадимдан уриниб келинган. Дастлабки бундай асарлар милоддан аввал XII—X асрларда Хитойда пайдо бўлган. Ўрта Осиёда яшаган Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби энциклопедист олимларнинг асарлари ҳам ўша даврдаги билимларни атрофлича камраб олган. Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Алишер Навоий, Давлатшоҳ Самарқандий, Захириддин Муҳаммад Бобир ҳам энциклопедик характердаги асарлар яратишган.

1751 — 80 йилларда Францияда чиққан 35 томлик Энциклопедия ёки фан, санъат ва касб-ҳунарларнинг изоҳли луғати. 1768—71 йилларда Англияда чиққан 3 томлик «Британия Энциклопедияси» Франция ва Англия тарихида йирик ижтимоий-сиёсий воқеа бўлди. XIX аср ва XX асрнинг биринчи ярмида Англия, Франция, АҚШ, Германия, Италия ва бошқа мамлакатларда ҳам универсал энциклопедиялар нашр этилди. Айниқса, 24 томлик «Британия Энциклопедияси», 30 томлик «Америка Энциклопедияси», ГФРда чиққан 20 томлик «Брокгауз Энциклопедияси» алоҳида ўрин эгаллайди.

Россияда дастлабки энциклопедик характердаги асарлар XIII асрда пайдо бўлган. «Брокгауз ва Ефрон Энциклопедия луғати» (82 том ва 4 қўшимча томдан иборат. 1890—1907 йилларда чиққан) ҳамда «Гранатлар Энциклопедик луғати» (58 томи чиққан) революциягача бўлган энциклопедиялар ичида машҳур бўлган.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан кейин СССРда энциклопедиялар нашр этиш кенг авж олдириб юборилди. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ В. И. Ленин кенг халқ оммасига марксистик назария билан бойитилган, инсоният билимларининг бутун хазинасини очиб берувчи, социализм ғояларининг тантанасини тасдиқловчи янги, халқ энциклопедиясини яратиш вазифасини илгари сурди. 20 — йиллардан Катта Совет Энциклопедиясини тайёрлашга киришилди ва ҳозиргача унинг уч нашри чиқди. Катта Совет Энциклопедиясининг биринчи нашри 66 томдан иборат бўлиб, 1926 — 47 йилларда, иккинчи нашри 51 томдан иборат бўлиб, 1949 — 58 йилларда, учинчи нашри 30 томдан иборат бўлиб, 1967 — 78 йилларда чиқарилди. Бундан ташқари Кичик Совет Энциклопедиясининг 3 нашри, «Энциклопедик луғат» ва бошқа соҳа энциклопедиялари чиқарилди.

Қарийб 100 минг мақолани ўз ичига олган Катта Совет Энциклопедияси» учинчи нашрининг тугалланиши (1978) мамлакатимиз маънавий ҳаётида катта воқеа бўлди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев шу муносабат билан Катта Совет Энциклопедияси Бош редакцияси, «Советская Энциклопедия» нашриёти, 2-Москва босмахонаси, Янонис номидаги қоғоз фабрикаси коллективларини қизғин табриклаб, уларнинг ишларига юксак баҳо берди.

Олтмишинчи йиллардан бошлаб барча иттифоқдош республикаларда миллий универсал энциклопедиялар яратишга киришилди. Катта Совет Энциклопедияси ва бошқа энциклопедия нашрларининг тажрибасига таянган ҳолда Ўзбекистонда ҳам тарихда биринчи марта ўзбек қомусини яратишга киришилди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ўзбек Совет Энциклопедиясини яратиш мақсадида бир неча йил тайёргарлик ишларини олиб борди. 1967 йил февралда Ўзбек Совет Энциклопедиясининг 5 томли сўзлигининг лойиҳаси, ноябрда 1-жилд макети нашр қилиниб, Ўзбекистон ССР ва қардош республикаларда кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди. 1-жилд макети ҳамда сўзлик лойиҳаси юзасидан 1200 дан ортиқ тақриз ва мулоҳаза олинди. Бу тақриз ва мулоҳазалар асосида фан соҳалари бўйича умумий сўзликлар қайта ишланди. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1968 йил 18 январидаги «Ўзбекистон Совет Энциклопедиясини нашр этиш тадбирлари ҳақида»ги қарорида 14 жилдли универсал Ўзбек Совет Энциклопедиясининг илмий назарий ва ғоявий-сиёсий йўналиши белгилаб берилди. Шу кўрсатма асосида Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси ҳайъати тузилди. Бош таҳрир ҳайъати составига республикамизнинг етакчи олимлари ва мутахассисларидан иборат 116 киши киритилди. Уларнинг орасида СССР ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг 36 академиги ва 37 мухбир аъзоси бор. Бош таҳрир ҳайъати Ўзбек Совет Энциклопедиясининг барча томларини нашрга тайёрлаш ишига илмий раҳбарлик қилиб турди ва навбатдаги ҳар қайси том материалларини нашрга тавсия этди.

Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси барча ишларни соҳа илмий редакциялари орқали амалга оширади. Ҳозирги вақтда 15 та соҳа илмий редакцияси ишлаб турибди. Соҳа илмий редакциялари жамоатчилик асосида ташкил этилган ва турли фан соҳаларидан 200 дан ортиқ олим ва мутахассисни бирлаштирган 25 илмий секция билан узвий ҳамкорликда ишлайди.

Ҳозир — Ўзбек Совет энциклопедиясининг 14 томи китобхонлар қўлига бориб тегди. 1971 йили унинг 1-томи чиққан бўлса, охирги 14 томи 1980 йили чиқди.

Ўзбек Совет Энциклопедияси 14 томидан 40 мингдан ортиқ мақола, термин, тушунча, шу жумладан 5 мингдан ортиқ биографик тарздаги мақола ўрин олган. Гуманитар фанларга доир мақолалар 51 процентни, табиий фанларга доир мақолалар 49 процентни ташкил этади. Мақолаларнинг умумий ҳажми 1500 табақ лист. Ўзбек Совет Энциклопедияси саҳифалари рангли ва оқ-қора расмлар, карталар билан безатилган. Булар мақолаларнинг мазмунини тўлароқ очиб беради. Республикамиз табиатига, экономикасига ҳамда архитектура, амалий санъат, музикасига оид расмлар айниқса, жозибали ва мазмундор. Ўзбек Совет Энциклопедияси мақолаларини тайёрлашда 7 мингдан зиёд муаллиф жумладан, СССР ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг 100 дан ортиқ ҳақиқий ва мухбир аъзолари, юзлаб фан докторлари иштирок этди. СССР Фанлар академиясининг академиги О. Содиқов, мухбир аъзоси С. Юнусов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиклари Қори Ниёзий, И. Мўминов, Я. Ғуломов, Т. Зоҳидов, С. Сирожиддинов, К. Зуфаров, Е. Тўрақулов, Ҳ. Усмонов, И. Ҳамробоев, С. Зиёдуллаев, Э. Юсупов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзолари И. Султонов, М. Хайруллаев, СССР Педагогика Фанлари академиясининг академиги С. Ражабов ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ўзбек Совет Энциклопедияси саҳифаларидаги материаллар илмий ва ғоявий пухталиги, оммабоплиги, ихчамлиги, илм-фаннинг сўнгги маълумотларига таяниш билан ажралиб туради. Унда Ўзбекистон халқларининг кўп асрлик шонли тарихи ва бой маданий мероси, Туркистонда Улуғ Октябрь социалистик революциясини амалга ошириш ва Совет ҳокимиятини ўрнатишдаги иштирокини, Ўзбекистонда социалистик жамият қуриш ва унинг ютуқларини мустаҳкамлашдаги жонбозликларини, Улуғ Ватан урушидаги қаҳрамонликларини, ривожланган социалистик жамият барпо қилишдаги муносиб ўрнини акс эттирадиган мақолаларга катта ўрин берилган. Булардан ташқари, унинг саҳифаларида К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Лениннинг асарлари, Ўзбекистон Компартияси съездлари, Марказий Комитети пленумлари, партия, совет ва давлат арбоблари, Ўзбекистонда Октябрь революциясининг актив иштирокчилари, социалистик ва коммунистик қурилишда хизмат кўрсатган шахслар ҳақида биографик маълумотлар ҳам бор.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги тараққиётига, пахтачилик селекцияси, ипакчилик, қоракўлчилик, кимё, геология, гелиотехника, математика, медицина, кибернетика каби ривожланган тармоқлар ва фан соҳаларига доир мақолалар батафсил ёритилган. КПСС ва Ўзбекистон КП тарихи ва фаолиятини акс эттирадиган мақолалар энциклопедия саҳифаларидан алоҳида ўрин олган. Бундан ташқари, Ўзбекистонда халқ маорифи ва педагогика тараққиёти, хусусан революциягача ва революциядан кейинги аҳволи, маданий революцияни амалга ошириш, халқни ёппасига саводхон қилиш соҳасида жуда катта тадбирлар амалга оширилганлиги ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Энциклопедия яратиш — жуда мураккаб, машаққатли, муҳим ва олижаноб иш. Энциклопедияга оид материаллар тайёрлашда ҳал этилмаган кўпгина муаммолар, жумладан терминологияга оид масалаларни ҳал қилишга тўғри келди. Фаннинг мислсиз тараққиёти муносабати билан илмий терминология мукаммаллашиб, ўзгариб, бойиб бормоқда. Ўзбек Совет Энциклопедияси саҳифаларида шу терминлар ўз аксини топди. Терминларнинг номини беришда бир хилликка эришиш — Ўзбек Совет Энциклопедияси мақолаларини тайёрлашдаги энг муҳим вазифалардан бири бўлди. Бу борада Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси ходимлари терминологияга оид илмий-тадқиқот ишлари олиб боришди, десак муболаға бўлмайди.

Ўзбек Совет Энциклопедияси авторлар коллективи кўламининг кенглиги жуда қувонарли ҳол, лекин бир жиҳатдан ана шу кенг кўламлилик илмий редакцияларимиз учун анча ноқулайлик туғдирди. Маълумки, ҳар бир муаллифнинг ўз услуби бўлади, лекин энциклопедия саҳифаларидаги мақолалар деярли бир хил услубда ёритилиши шарт. «Энциклопедия — монография ҳам, дарслик ҳам эмас. Унинг, таъбир жоиз бўлса, шундай қонунлари борки, бирорта мўътабар зотга ҳам бу қонунларни бузиш ҳуқуқи берилмаган»— деган эди ўртоқ Ш. Р. Рашидов. Кўп йиллик ижодий фаолият натижасида эндиликда шундай вазифанинг уддасидан чиқадиган малакали энциклопедиячи кадрлар етишди.

Энциклопедия томлари юксак полиграфик ижроси ва бадиий безаги билан ҳам ажралиб туради. Ўрта Осиё республикалар, ва Қозоғистон СССР китоблар конкурсида полиграфик ижроси ва бадиий безаги учун Ўзбек Совет Энциклопедиясининг бир неча томи дипломлар билан тақдирланди. СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида юксак баҳоланди. Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриёти коллективлари н и н г бунда ҳиссалари катта.

Ўзбек Совет Энциклопедиясининг 1 нашрини якунлаган ўзбек қомусчиларининг келгуси режалари катта. Ўн биринчи беш йилликда рус тилида Ўзбекистон ССРга бағишланган 1 томлик энциклопедия, 2-томлик «русча-ўзбекча луғат», 1 томлик «Ўзбек Совет Энциклопедик луғати», ўзбек ва рус тилларида 2 томлик «Пахтачилик Энциклопедияси», ўзбек тилида 1 томлик «Уй-рўзғор энциклопедияси», ўзбек тилида 1 томлик «Саломатлик», ўзбек ва рус тилларида 1 томлик «Тошкент» энциклопедияси нашр этиш мўлжалланган.

Ҳозирги кунда Ўзбек Совет Энциклопедияси ходимлари КПСС XXVI съездини юксак меҳнат совғалари билан кутиб олишга ва ўз олдиларидаги вазифаларни муваффақиятли бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Д. МИРБОБОЕВ,
Ўзбек Совет Энциклопедиясининг Масъул котиби.

А. МАЖИДОВ,
матбуот, халқ маорифи ва психология илмий редакцияси мудири.

* * *

СУРАТДА: Ўзбек Совет Энциклопедияси таҳрир ҳайъатининг мажлиси.

А. Котулев фотоси.

Адабий анъана ва бадиий таржима

ТАҚРИЗ

«Фан» нашриёти яқинда Ғайбулла Саломовнинг «Адабий анъана ва бадиий таржима» номли монографиясини китобхонларга ҳадя қилди.

Адабий анъана ва бадиий таржима — қамрови кенг ва мазмуни чуқур проблема. Мазкур монографияда эса асосан, буюк инглиз драматурги Вильям Шекспирнинг «Ҳамлет» трагедияси ва унинг қардош халқларимиз тилларига, хусусан, ўзбекча таржималарини тарихий-қиёсий ва типологик ўрганиш асосида бадиий таржима жараёнида адабий анъаналарнинг актив ролини кўрсатиш асоси, мақсад қилиб олинган.

Китобнинг илк бобида муаллиф дастлаб илмий-маданий алоқалар равнақида бадиий таржиманинг воситачилик роли ҳақида фикр юритади. Зеро, бадиий таржимасиз ҳозирги замон маданияти ва адабиёти равнақини тасаввур қилиб бўлмайди. Негаки, классик адабий обида таржима туфайли янги ҳаёт топиб, миллий адабиёт фактига айланади, унга сингиб кетади ва ўзи билан бирга янги бадиий-эстетик анъаналар олиб киради. Аммо бу ғоятда мураккаб жараёндир. Таржиманинг миллий адабиёт анъаналари билан учрашуви, бу адабиётга таъсири, унинг ижодкорлари тақдирида из қолдириши ранг-баранг ижодий услублар, жанрлар, оҳанглар ва мазмунларнинг пайдо бўлишига туртки бўлади. Шунингдек, бадиий таржиманинг ўзига хос проблемалари, талаб ва вазифалари, таржима критерийси, баҳо мезони, аниқлик ва адекватлик сингари муаммолари адабий анъана ва тарихийлик негизида, адабий ҳаёт билан боғлиқ ҳолда олиб ўрганилгандагина тўғри ҳал қилинади.

Ғ. Саломов ўз монографиясида масалага мана шу нуқтаи назардан ёндошиб, таржимашуносликнинг бир қатор проблемаларини комплекс ёритишга ҳаракат қилган. Китоб ибтидосида автор бадиий таржиманинг роли, бадиий таржимага доимий эҳтиёж, таржима ҳодисасига тарихан ёндошиш, таржимада филологик таҳлил, таржима жараёнида илмий ва адабий манбаларнинг роли, қардош таржимонлар тажрибасини ўрганишнинг аҳамияти каби масалалар ҳақида қалам тебратади.

Муаллиф ўз китобида Вильям Шекспир асарларининг рус ва бошқа қардош халқлар тилларига таржималари тарихи ҳақида қизиқарли маълумотлар келтиради, бу борада қарор топган анъаналарни илмий шарҳлайди. Чунончи, тадқиқотчи Вильям Шекспирнинг «Ҳамлет» трагедиясини Михаил Лозинский, Борис Пастернак ва Самуил Маршаклар томонидан русчага турли даврларда қилинган таржималари ҳақида тўхталар экан, ҳар учала таржимон—санъаткорнинг мазкур шоҳ асарини таржима қилиш борасидаги хизматларига юксак баҳо беради, ҳар қайси таржиманинг ҳам илмий-назарий, ҳам амалий аҳамиятини қайд қилади.

Ўзбек адабиёти тарихида адекват таржима яратиш эволюцияси масаласи — монографиянинг иккинчи бобини ташкил қилади. Айтиш керакки, бу проблема таржимашунослигимизда биринчи марта Ғ. Саломов томонидан қаламга олинаётир.

В. Шекспирнинг «Ҳамлет» трагедияси соф оригинал (инглизча)дан эмас, аксинча, русча таржималардан ўзбекчага ўгирилган. Шу муносабат билан автор монографияда В. Шекспир анъаналари ва уларнинг ўзбек адабиётига таъсири, ўзбек адабиётининг миллий анъаналари, рус адабиётидаги таржимачилик анъаналари ва уларнинг ўзбек таржимонлари ижодига таъсири ҳақида тўхталиб ўтади. Муаллиф таъкидлаганидек, «Ҳамлет»нинг ўзбек тилига ўгирилиши — инқилобгача Шарқ адабиёти анъаналари таъсирида ривожланган ўзбек адабиёти учун улуғ Вильям Шекспирни идрок этиш, қабул қилиш, Ғарб адабиётлари анъаналарига юз тутиш демакдир. Бундай мураккаб жараён «Ҳамлет»нинг илк ўзбекча таржимаси ва унинг саҳналаштирилиши муносабати билан 30-йиллар матбуотида кўтарилган адабий баҳслашувлар таҳлили асосида очиб берилган.

Шунингдек, «Ҳамлет» рус тили орқали ўзбекчага ағдарилган экан, муаллиф таъкидлаганидек, ўзбекча таржимадаги ютуқ ва камчиликлар чуқур из қолдириши табиий бир ҳолдир.

Монографияда таъкидланганидек, ўзбек адабиётида ўзига хос таржима анъаналари мавжуд. Инқилобгача бўлган таржимачилик тажрибасидан ташқари, совет даврида бу соҳада янгича мазмундаги, реалистик принципларга эга бўлган таржима мактаби шаклланган. Бунда, албатта, адабий ворисийлик таъсири ҳам кучли бўлган.

Адекват таржима янги-янги ижодий изланишлар, авторга тобора яқинлашиш, унинг мураккаб услубини тушуниб, қайта ярата билиш демакдир. Шу тариқа китобда таржима—авлодлар эстафетасидир, деган тезис олға сурилган. Китобда қўйилган бош проблемадан келиб чиққани ҳолда автор таржима ва адабий танқид, таржима ва театр, томошабин ва актёр ҳамда таржима муаммолари устида кенг тўхталиб ўтади.

«Тарихий тажриба ва замонавий адабий жараён» боби конкрет эстетик таҳлилининг чуқурлиги билан алоҳида қизиқиш уйғотади. Автор қатор назарий кузатишлар олиб боради — таржимада объектив таҳлилни амалга оширади. Қиёсий таҳлил жараёнида тил ва услуб, танқидчиликнинг таржима муносабати, таржимада меъёр, таржимон услуби, санъатда сирлилик, тарихий анъана ва замонавий тажриба, статистика ва бадиий мантиқ, таржима ва новаторлик масалалари кўздан кечирилади.

Муаллиф «Ҳамлет»нинг ўзбекча таржималари ҳақида тўхталар экан, ҳақли равишда М. Шайхзода томонидан шеърий йўл билан қилинган таржиманинг устунлигини — нисбатан адекват таржима даражасига кўтарилганлигини исботлайди. «Ўзбек тилида Вильям Шекспир асарларининг воситали таржимадан қилинадиган янгича талқин асосидаги аъло таржималари яратишни давом эттириш билан бирга,— деб таъкидлайди автор ўз китобининг сўнгида,— маданиятимиз тарихида биринчи марта асл нусхадан қилиниши лозим бўлган адекват таржимасини барпо этиш таржимонларимиз олдида турган мураккаб, жиддий вазифадир».

Монографияда айрим жузъий камчиликлар ҳам учрайди. Масалан, китобда автор услуби билан таржимон услуби ўртасидаги мутаносиблик чуқур очилган деб бўлмайди. Асарда такрорий таърифлар, тезислар ва фикрлар учрайди. «Ҳамлет» спектаклига бағишланган мақола ва фикрлар учрайди. «Ҳамлет»нинг мазмуни баёнига берилиш, таҳлилига керагидан ортиқ ўрин бериб юборилган. Автор асар тилида баъзан синонимларга, баъзан архаизмларга маҳлиё бўлиб кетгандек туюлади.

Монографияда баҳсли нуқталар ҳам учрайди. «Масалан, «Ҳамлет»нинг оригиналида қўлланилган «лорд», «сэр», «милорд» каби сўзларни муаллиф таржимада муқобил сўзлар билан алмаштириши керак, деб ҳисоблайди. Ҳолбуки, бундай сўзларни сақлаш таржимада миллий колоритни ифодалашга кўмаклашади. Бу хил сўзларнинг изоҳи ҳаволада берилса етарли бўлар деб ўйлаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, Ғайбулла Саломовнинг «Адабий анъана ва бадиий таржима» номли монографияси фактларга бойлиги, оригинал илмий хулосалари ва мантиқий фикр теранлиги билан илмий жамоатчиликда ҳам, таржимачилик практикасида ҳам катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиздир. Бу асари билан олим таржимашунослиги м и з хазинасига ҳам, ўзбек шекспиршунослиги тарихига ҳам сезиларли ҳисса қўша олди.

Т. БОБОЕВ,
филология фанлари кандидати.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ
ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

С. ҚОДИРОВ: Ҳозирги пайтда республикамизда шифобахш минерал сув отилиб турадиган жойларнинг сони қанча?

Жавоб: Ўзбекистон территориясида кейинги йилларда янгидан олтита минерал сув конларининг умумий манбалари топилди ва тадбиқ этилди. Очилган шифобахш сув сони 200 дан ошади. Шуларнинг 40 га яқинидан бешта санаторийда ва 17 да физиотерапевтика касалхонасида турли касалликларни даволашда фойдаланилади. Бу сув манбалари Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва бошқа областларда ишлатилмоқда.

* * *

К. МАМАЖОНОВ: Мен яқинда бадиий адабиёт ўқиётганимда ҳаво темир йўли деган сўзни учратиб қолдим. Бунга унчалик тушунолмадим. Шу ҳақда тушунча берсангиз.

Жавоб: Мамлакатимизда ер усти ва ер ости темир йўлларидан ташқари ҳаво темир йўлидан ҳам фойдаланилади.

Қримнинг жанубий қирғоғида жойлашган «Горний» санаторийсида дам олувчиларнинг узоғини яқин қилиш мақсадида ана шундай транспорт воситаси ишга туширилган. Бу транспорт беморларни ёки кексаларни тоғдан денгизга олиб тушади, денгиздан тоққа олиб чиқади. Бундай транспортда темир-бетондан ишланган махсус устунларга тортилган пўлат арқонлардан кичик кажавалар осилиб ҳаракат қилади. Ана шундай транспорт воситаси Чимён бағрида дам олувчиларнинг сайрини завқли ўтказиш мақсадида ҳам қурилган.

* * *

К. СОБИТОВА: Ленин чўққиси ҳақида маълумотлар билишни истар эдим. Бу чўққи қачон забт этилган?

Жавоб: Бундан 30 йил муқаддам — 1950 йил 14 август куни Туркистон ҳарбий округи ва Ўзбекистон альпинистларидан 12 киши урушдан кейинги даврда биринчи марта Помирдаги Ленин чўққисига кўтарилишган. Чўққига чиқишга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт мастери, умрининг охиригача республика альпинизм федерациясининг раиси бўлиб ишлаган Владимир Рацек раҳбарлик қилган. Ўша жасорат мамлакатда яна юксак чўққиларга чиқиш учун йўлланма бўлган. Чўққи денгиз сатҳидан 7134 метр баланд.

1934 йилда эса ана шу чўққига кўтарилган совет альпинистлари Владимир Ильичнинг гипсли бюстини ўрнатиб тушишган эди. 1950 йил 14 августда жасорат кўрсатганлар ана шу бюстни кўришга муяссар бўлганлар.

Ўзбекистон альпинизм федерацияси Ленин чўққисига чиққан жасоратли кишиларга берган нишон шу йилнинг ёзида 2126 тага етди. Барча қитъалардан бир мингдан ортиқ чет эллик вакил чўққига кўтарилди. Бу йилги мавсум яқиндагина тугади. Альпинизм мавсумида 14 мамлакатнинг 250 альпинисти шу чўққига чиқди. Республикамиз довюраклари Жамолунгма чўққисига кўтарилишга тайёргарлик кўрмоқдалар. Бундан ташқари 1982 йилнинг баҳорида ер юзида энг баланд бўлган нуқта Эверестни навбатдаги забт этиш ҳам режалаштирилмоқда.

* * *

Б. КОМИЛОВ: Киномеханиклик касбини қаерда эгаллаш мумкин?

Жавоб: Шаҳримизнинг «Ивановолик тўқимачилар» кўчасидаги 8-уйда 11-техника билим юрти жойлашган. Ана шу ерда киномеханиклик касбини ўрганиш мумкин. Ўқиш муддати бир йил.

Пропагандистнинг эзгу сўзлари

«Узбекхлопк о м а ш» Тошкент бирлашмаси механика цехидаги иқтисодий билим асослари мактабида машғулот бошланиш олдидан инженер Валерий Ламбров тингловчиларни съезд олди зарбдор вахтасида эришилган муваффақиятлар билан табриклади. Бу коллектив октябрь ойида жуда яхши ишлаганлиги учун корхонанинг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлди. Мусобақа пешқадамлари — шлифовкачи Дмитрий Игумнов ва токарь Анатолий Громовлар ҳозирдаёқ 1983 йил ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

Ишлаб чиқаришда эришилган муваффақиятларда пропагандистнинг ҳам хизмати бор. Ўтган ўқув йилида у 37 нафар тингловчининг ҳар бирига «Цехда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш» деган мавзуда реферат ёзишда кўмаклашди. Бу рефератларда сермеҳнат жараёнларни механизациялаштириш ва автоматлаштиришга катта эътибор берилди. Ишчилар қандай ускуналар маънавий жиҳатдан эскириб қолганлигини, алмаштиришни талаб қилаётганлигини таъкидладилар. Бу материаллар станок паркини модернизация қилишда жуда қўл келди. Ишчиларнинг таклифларига мувофиқ янги машина-ускуналар, шу жумладан рақамли программали бошқариладиган еттита станок жорий этилди. Мактаб тингловчилари бу станокларни ўзлаштиришда қатнашдилар, уларни лойиҳада белгиланган қувватга етказдилар.

В. Ламбров ўз лекциясида КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленумида, ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган нутқида саноат ходимлари олдига қўйилган вазифаларга тўхталиб ўтди. Пропагандист тингловчиларнинг диққат-эътиборини меҳнат унумдорлигини ошириш учун курашни кучайтириш зарурлигига қаратди, мавжуд резервларни кўрсатиб берди.

(ЎзТАГ).

● УМРИ БОҚИЙ ДЎСТЛИК

Машинасозларга— пухта техника

Волгоград мотор заводида клапанларга ишлов берувчи токарлик участкаси кўп вақтлардан бери «танг жой» ҳисобланиб келарди: асбоб тез ўтмаслашиб, ишга ярамай қоларди. Шунда Тошкентдаги «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи ёрдамга келди. Волгоград машинасозлари бу ерда ғоят қаттиқ материаллардан ишланган махсус кескиларни қўллаб деталларга ишлов беришни олти мартагача тезлата олдилар, асбобнинг бардош бериши ўн баравар кўпайди.

ҚИШ МАВСУМИ УЧУН

Республика пойтахтида учта кучли қозонхона бирданига ишга туширилди. Тошкент шаҳридаги иссиқлик тармоқларига уланган бу қозонхоналар янги Қорасув массивидаги, Чилонзор ва Сергелидаги квартираларни иситишни анча яхшилаш имконини беради. Пойтахтнинг жануби-ғарбида яна бир қозонхона қурилиши ниҳоясига етай деб қолди. Ҳар бир «иссиқлик фабрикаси» ҳар соатда 50 гигакалория иссиқлик ишлаб чиқаради.

Таганрог машинасозлари қозонхоналарнинг мураккаб ускуналарини юборишган. «Ташэнергострой» қурилиш-монтаж бошқармасининг ишчилари эса йирик электростанцияларни барпо этишда катта-катта блокларни монтаж қилишнинг синалган методидан фойдаланиб, қурилиш муддатини ярим йилдан кўпроқ вақт қисқартиришга эришдилар. Тошкентлик энергетика объектларини қурувчилар Сергели қозонхонасининг 53 метр келадиган мўрисини қурган пайтларида ўз тажрибаларида биринчи марта «учадиган кран» — МИ—8 вертолётидан фойдаландилар.

Уч қозонхонанинг ҳаммаси табиий газ билан ишламоқда. Бу эса уй-жой кварталларида атмосфера ифлосланишининг олдини олиш имконини беради.

(ЎзТАГ).

Ҳамза номидаги Ленин орденли Ўзбек Давлат академик драма театри репертуарида революция ва партиямиз тарихига оид саҳна асарлари анчагина. Ана шулардан бири М. Шатровнинг «Яшил яйловдаги қизил тулпорлар» спектаклидир.

СУРАТДА: ана шу спектаклдан кўриниш. М. Нуриддинов фотоси.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ЭЛЕКТР УРУҒЛИКНИ ХИЛЛАЙДИ

«Казсельхозмеханизация» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида шоли уруғлигини тозалайдиган оригинал бир машина ясалди. Олмаота областининг хўжаликларида бу машина синалиб бўлди.

Машина ишга туширилганида юксак кучланишли электр майдони вужудга келтирилади. У уруғликни бир ўтказишдаёқ иккинчи класс нондицияга келтиради. Электр хас-хусларни ажратибгина қолмай, донни хиллайди ҳам: хом ва шикастланган донлар етилган дондан «итариб юборилади» ва махсус қутига тушади. ЗАР— 5 деб ном олган бу агрегат юксак биологик потенциалли доннинг аниқ белгилайди, бу эса шоли қийғос униб чиқиши учун ғоятда муҳимдир.

О. БАБИН,
ТАСС мухбири.

• НАБОТОТ—ҲАЁТ МАНБАИ

ХОНАДА ГУЛ ЎСТИРИШ ФОЙДАЛИМИ?

Хонада ўстириладиган гулга ҳар ким ҳар хил муносабатда бўлади: баъзилар уйда гул қанчалик кўп бўлса, хона шунчалик чиройли, саранжом бўлади деса, бошқалар, гуллар одам учун зарур бўлган кислородни «ютади», дейдилар. Бу фикр жуда ҳам тўғри эмас.

Гуллар хонамизни безабгина қолмай, балки уни шинам қилади, кўчадан кирган чанг ва аралашмалардан ҳавони тозалайди, хонада ҳаво қуруқ бўлса, уни намлайди. Лимон дарахти, савир, атиргул, бегония, сарсабил, кактус ўзидан бактерияларни ўлдирадиган фитонцидлар ажратади. Ўсимликларнинг эфир мойидан келадиган ҳид ҳавони тозалайди.

Баъзи одамлар, гуллар тунда хона ҳавосини бузади, деб ортиқча хавотирланишади. Гигиенистлар шу нарсани аниқладиларки, йигирмата хонаки ўсимлик карбонат ангидридни битта одам айни бир вақтда нафас билан чиқарганидагига қараганда ўттиз баробар кам ажратар экан.

Хонада нечта гул бўлгани маъқул? Баъзи уйларда дераза токчаларига тувакдаги гуллар қалаштириб қўйилади, дераза ёнларига ҳатто кундузи чироқ ҳам ўрнатиб қўйишади. Уй эгалари гулларга ғамхўрлик қилишади-ю, бироқ ўз соғлиқларини ўйлашмайди. Бундай хона доим нимқоронғи бўлиб туради. Ахир ёруғлик фақат гулларга эмас, одамларга ҳам зарур. Оқшомхонга берадиган асосий маслаҳатимиз шуки, уйингизга ҳар хил гулларни қалаштириб ташламанг, бунда хонанинг катта-кичиклигини ҳисобга олинг.

Гулларни яхшиси дераза ёнидаги деворга ўрнатилган жавонларга қўйиб қўйинг. Гул тувати тагига қўйиладиган енгилгина идишлар ишлатишга қулай бўлади. Ёруғликни яхши кўрадиган гулларни дераза токчасига қўйиш мумкин. Бироқ, бу гуллардан кўп кўйманг, улар ёруғликни тўсиб қўймасин.

Гуллар яхши ўсиши ва ўзининг гигиеник вазифасини бажариши — ҳавони тозалаши, намни бўлантириши учун уларнинг барги тоза бўлиши керак. Гул барглари ва новдаларини ювиб турмасангиз, уларга чанг йиғилиб қолади. Шунинг учун гулларни вақти-вақти билан тозалаб, ювиб туринг.

Баъзи одамларнинг организми айрим ўсимликларни кўтара олмайди, буни ҳам унутмаслик керак. Масалан, баъзи одамлар ёронгулга, календулага, наврўз гулга тегиб кетса борми, уларда аллергик дерматит ёки экзема пайдо бўлади. Эфир мойлари ажратадиган ўсимликлар - кўпчилик одамларга зиён қилмайди. Бироқ бундай ўсимликлар бош оғриғига, бронхиал астмаси бор беморларда ҳуруж тутишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳодисаларда «айбдор» ўсимликни хонадан олиб чиқиш зарур.

М. ОРИФЖОНОВА
тайёрлаган.

Тошкентдаги ёш техникларнинг шаҳар станциясида бир нечта тўғаракдар ишлаб турибди. Айниқса улардан Михаил Николаевич Неверов бошчилик қилаётган радио спорт тўгараги диққатга сазовордир.

СУРАТДА: тўгарак қатнашчиларидан мактаб ўқувчилари Андрей Иванцов, Тўхтамурод Хожимуродовлар тўгарак раҳбари М. Н. Неверов (ўртада) билан суҳбатда.

Р. Альбеков фотоси.

✦ КУНЛАРДАН БИР КУН

ЯХШИ ОДАМ, ЛЕКИН...

Ғарбда «Хизматкорлар учун улуғ кишилар бўлмайди» деган нақл бор. Чарльз Дарвиннинг боғбони буюк олим тўғрисида айтган гаплари юқоридаги фикрни тасдиқлайди. У хизматкор машҳур табиатшунос олимга зўр эҳтиром кўрсатса-да, лекин унинг истеъдодига тан бермас эди.

— Кекса жаноб ниҳоятда яхши одамлару, фақат ўзларига муносиброқ машғулот топа олмаганларига ачинаман,— дер эди у. — Ўзингиз ўйлаб кўринг-а, у киши қандайдир гулларга узоқ вақт тикилиб турганлари турган, ахир жиддийроқ иши бўлган одам шундай қилармиди?

МАЙМУН АВЛОДИ

Инглиз геологи Седуик ёш Дарвиннинг келажакда буюк олим бўлиб етишишини башорат қилган эди. Бир куни у Дарвиннинг «Одамнинг пайдо бўлиши» деган китобини ўқиб чиққач, ниҳоятда аччиқланади. У Дарвинга ёзган газабнок мактубини: «Сенинг собиқ дўстинг, эндиликда эса маймун авлоди, деб билурсан» деган жумла билан тугатибди.

Грегорио ЛАПЕС-И-ФУ-ЭНГЕС, Мексика.

ТАНГРИГА МАКТУБ

ҲАЖВИЯ

Водийдаги ягона уй унчалар катта бўлмаган тепалик устидан негадир бугун кўзга қандайдир ўзгача бўлиб ташланиб тургандай. Бу ерден маис билан ловия экилган далага туташиб кетган дарё яққол кўриниб турарди.

Айни кунларда ер бир оз бўлса ҳам ёмғир ёғишини кутарди. Уз ерини жуда яхши билган Ленчо эрталабданоқ шимол-шарққа қараб, гўё осмонни ўрганаётган кишига ўхшаб кетарди.

— Кампир, мана сув ҳам бўладиганга ўхшайди, —деди.

Овқат пишираётган кампир эрига:

— Айтганинг келсин, чол, — деди хурсанд бўлиб.

Фарзандларининг катталари далада меҳнат билан банд, кичиклари эса уйлари атрофида ўйнашарди, улар:

— Овқатга келинглар, — дейишмагунларича ўйин билан машғул бўлишарди.

Ленчо худди билиб айтгандай тушлик пайтида йирик-йирик ёмғир томчилай бошлади. Осмоннинг шимоли-шарқидан жуда қалин булут ёпирилиб келаётгани кўриниб турарди. Ҳаво совуб кетди, лекин одамга жуда ёқимли эди.

Уй соҳиби нима учундир ташқаридаги молхонага чиқди, эҳтимол у ёмғирда туриб шалаббо бўлиб олмоқчидир. Уйга қайтиб киргач:

— Осмондан тушаётган томчилар сув эмас, янги-янги танга пуллар! Томчиларнинг катталари ўн сентаволик, кичиклари эса беш сентаволик тангалар, — дея хитоб қиларди у.

У шаффоф ёмғир оралиғидан далага илжайган ҳолда қулиб қараб турарди.

Бирданига кучли шамол эсиб қолди. Ёмғир томчилари аралаш йирик дўл ҳам ёға бошлади. Дўл худди янги чақилган кумуш тангаларга ўхшаб кетарди. Болалар ёмғирда ана шу дурни теришга киришишди.

— Аттанг, жуда ҳам ёмон бўлди-ку,— деди Ленчо афсусланиб Ишқилиб тезда тинақолсайди... Чигиртқалар ҳам бунчалик вайрон қилмасди, кўп бўлмаса-да, ҳар ҳолда қолдиришарди... Дўл эса ҳаммасини яксон қилиб кетди. Бу йил бизларга на маис ва на ловия насиб қилмайдиган бўлди.

Тун тўла зорланиш-у надомат билан кечди.

— Барча меҳнатларимиз зое кетди!

— Бизларга ёрдам берувчи бирор кимса йўқ.

— Бу йил бизлар учун очарчилик бўладиганга ўхшайди...

Водий ўртасидаги бу яккаю-ягона уй эгаларининг юрагини биргина умид —бу ҳам бўлса худонинг ёрдами— марҳаматига ишонч илитарди.

— Ҳеч қиси йўқ. Мусибат оғир бўлса-да, очимиздан ўлиб кетмасмиз.

Ленчо бутун тун бўйи ўзининг биринчи умиди— худонинг ёрдами тўғрисида ўйлаб чиқди. Унинг кўзлари юрагининг тубида яшириниб ётган ишончларини баралла айтиб бераётгандай туюларди.

Ленчо дағал, ҳўкиздей тиним билмовчи дала заҳматкаши бўлишига қарамай ёзиш-чизишни биларди. У бирор кимса бизга ёрдам бериши, бизни ҳимоя қилиши керак, дея ўзининг фикрига ёпишиб олган ҳолда, якшанба куни аранг ўтиришга вақт топиб, мактуб ёзишга киришди. У хатни ёзиб бўлгач, уни қишлоққа ўзи олиб бориб, почта қутисига ташлаб чиқишга аҳд қилди. Мактуб унча-бунча одамга эмас, тангрининг ўзига аталган.

«Эй, тангрим,— дея ёзди Ленчо,— агар ўзинг ёрдам қўлингни чўзмасанг бу йил биз оиламиз билан оч қоламиз. Менга экинларимни қайта экиб олишим, янги ҳосил пишиб етилгунга қадар яшаб кетишимиз учун юз песо пул керак, негаки ҳосилни дўл...»

Ленчо конверт устига «Худо»га деб ёзди-да, хатни унинг ичига солди, лекин ҳамон ташвишланган ҳолда қишлоққа жўнади. Почта идорасида у мактубига марка ёпиштирди ва хат қутисига мактубини ташлади.

Идорадаги хат ташувчилардан бири бўлган ва ундан ташқари бу ерда ёрдамлашиб юрувчи хизматчилардан бири ҳаҳолаб кулганча бошлиқининг олдига кирди-да, тангрининг номига ёзилган мактубни унга узатди. У анча йилдан бери почтачи бўлиб ишлаб келади, лекин мана шу давр мобайнида худонинг номига ёзилган хатни сира кўрмаган, унинг уйига олиб бормаган ва бу уй қаердалигини ҳам асло билмас эди.

Идоранинг тўладан келган хушчақчақкина бошлиғи ҳам кулиб юборди. Сўнг бирданига жиддийлашди. Хатни столга ура-ура деди:

— Ишонч!.. Агар худога мана шу мактубни умид ва ишонч билан ёзган одамнинг ишончи менда бўлганда эди! У ишонгандай ишонганимдами?! У қанчалар умидворлик билан ишонгандай мен ҳам шунчалар умидворлик билан ишонганимда борми! Худо билан хат ёзиша бошлаш мумкин бўларди.

Бошлиқ ҳаддан ташқари катта умид билан ёзилган, ва лекин худога топшириш имкони бўлмаган мактубни шундайлигича қолдиргиси келмади. Аввал ўз маошининг бир қисмини ажратди ва бундай олижаноб ишга улуш қўшишларини сўраб дўстларига юзланди.

Бироқ, Ленчо худодан сўраган юз песонинг ҳаммасини йиғиш имконияти бўлмади. Унга тангридан сўраган пулининг ярмидан сал ортиғи жўнатилди. Идора бошлиғи Ленчонинг адресига жўнатилаётган конверт ичига пул билан хатни жойлади. Хатда биргина «Худо» деган сўз ёзилганди.

Келгуси якшанба куни Ленчо почтага ҳар сафаргига қараганда барвақт келиб, унга хат борми, йўқлигини сўради. Почтачи унга хатни топширди. Савобли иш қилиб қўйган бошлиқ эса хурсанд бўлган ҳолда эшик ёриғидан уни кузатиб, қараб-қараб кўярди.

Ленчо конвертни очиб, ичидаги пулни кўрганида сира ҳам ҳайрон бўлмади, чунки унинг ишончи жуда зўр эди. Лекин пулни санаб кўргач, жаҳли чиқиб кетди... Худонинг адашиши мумкин эмас, у Ленчонинг сўраганини тўла-тўкис бериши керак эди-ку!

Ленчо дарҳол почта деразаси ёнига келди-да, қоғоз билан сиёқ беришларини сўради. Бу ерга келиб-кетувчилар учун қўйилган стол-стулга келиб ўтирди. Кейин хат ёза бошлади, пешоналарини тириштирган ҳолда, бутун фикри-зикрини бир ерга тўплаб, ўзининг истагини қоғозга тўғри туширишга ҳаракат қиларди. Хатни ёзиб бўлгач, Ленчо марка беришларини сўради ва уни лаблари билан ҳўллаб конверт устига ёпиштирди-да, муштлаб бир уриб қўйди. Марка яхши ёпишсин, деб ўйлади, шекилли.

Хат почта қутисига тушган ҳамон идора бошлиғи уни олдида, очди. Хатда шундай деб ёзилган эди:

«Эй, парвардигор, сендан сўраган пулимдан фақат олтмиш песосини олдим. Қолганини ҳам юбор, менга пул жуда ҳам зарур. Илтимосим шуки, пулни почта идорамиз орқали юбора кўрма, чунки бу ердаги мансабдорларнинг ҳаммаси ҳам ҳаддан ташқари катта ўғрилардан. **ЛЕНЧО**».

Русчадан **Тожибой УНАБОЕВ** таржимаси.

БИЛДИРИШ

26 ноябрь куни соат 17.00 да ўзбек тилида халқаро мавзуларда лекция ўқувчи лекторларни тайёрлаш курсларининг тингловчилари учун «Ҳозирги халқаро аҳволнинг баъзи актуал проблемалари тўғрисида» лекция ўқилади.

Лектор — фалсафа фанлари кандидати, доцент С. А. Йўлдошев.

* * *

ИДЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТИНГЛОВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

(лекторлик маҳорати ва нотиқлик санъати факультети)

27 ноябрь куни соат 16.00 да университетда янги ўқув йилининг очилиши бўлади.

(Газетанинг навбатдаги сони 27 ноябрда чиқади).

Редактор
С. М. ҚАРОМАТОВ.

*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
227-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
тўқувчи ва йигирувчи касби бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

15—18 ёшли, 8—10 синф ҳажмида маълумотли қизлар қабул қилинадилар.

8-синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати — 3 йил. Битириб чиқувчилар тўлиқ ўрта маълумот ва касб эгалланганликлари тўғрисида диплом оладилар. Ўқувчилар уч маҳал бепул овқат ва кийим-кечак билан таъминланадилар.

Ўрта маълумотлилар 1 йил ўқийдилар ва ойига 70 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Ўқишни аъло баҳоларда тамомлаганлар Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига ҳамда халқ хўжалиги институтига ўқишга юборилади.

Билим юртида ўқиш даври узлуксиз ишлаб чиқариш стажига қўшилади.

ЎҚИШ — ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Машғулотлар — группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, автобиография, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли); мактабдан характеристика; турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан справкалар; 6 та фотосурат (3х4 см. ҳажмида).

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Бешоғоч, Олмазор кўчаси, 185-уй («Комсомол кўли»).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг «УЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ихтисослаштирилган трести базасидаги
11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ САФИДАН ЗАПАСГА БЎШАТИЛГАНЛАР ҚИСҚА МУДДАТЛИ ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР. 76 сўм стипендия берилади.

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: ёритиш, кучланиш тармоқлари ҳамда электр ускуналари бўйича электр монтажчи, газ-электр пайвандчи.

10-синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати — 7,5 ой, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун — 10,5 ой.

ЎҚИШ МУДДАТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИ.

Ётоқхонадан жой берилади. Ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасида топган иш ҳақларининг 50 процентини оладилар.

Ўқишни тамомлаганлар республикамиздаги энг муҳим халқ хўжалик объектларига ишга юборилади.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТАМОМЛАГАНЛАР ТЕХНИКУМ ВА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРИШДА ИМТИЁЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНАДИЛАР.

Билим юртини аъло баҳода тамомлаганлар ўрта махсус ва олий ўқув юртларининг кундузги ва бошқа бўлимларига ўқишга юборилади.

Билим юртида яхши спорт базаси мавжуд: спортнинг 13 та секцияси ишлаб турибди, техника ижодкорлиги, бадиий ҳаваскорлик каби тўгараклар бор.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, автобиография, маълумоти тўғрисида ҳужжат, турар жойидан, медицина справкалари, 4 та фотосурат (3х4 см. ҳажмда), характеристика.

Паспорт ва ҳарбий билет шахсан тақдим этилади.

АРИЗАЛАР СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР — ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Ивановолик тўқувчилар кўчаси, 8-уй (2, 3, 18, 22, 34, 45, 54, 58, 66, 70, 79-автобуслар; 7, 9, 11, 14, 24, 28-трамвайлар; 2, 6, 13, 15, 16-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).

«ШУҲРАТ» ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

ҚИМ БЎЛСАМ ЭКАН? ШОФЁРМИ, ВРАЧМИ, ҚУРУВЧИМИ, СОТУВЧИМИ?

Сотувчилик касби— кенг оммалашган ва керакли касб. Сотувчи харидорнинг энг яхши ёрдамчиси ва маслаҳатчиси. Унинг тез ва тўғри хизмат кўрсатиши, эътиборидан ва хушмуомалалигидан бизнинг табиатимиз чоғ бўлади.

Агар сиз сотувчилик касбини эгаллашга қарор қилган экансиз

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИГА ЎҚИШГА КЕЛИНГ.

«Шуҳрат»— республикамизда савдо ходимлари тайёрлай бошлаган биринчи мактаб-магазиндир.

«Шуҳрат» ҳар йили саноат моллари билан савдо қилувчи 250—300 сотувчи тайёрлаб чиқаради. «Шуҳрат» мактаб-магазини очилгандан буён ўтган 11 йил мобайнида уни тамомлаб чиққанларнинг ўзлари эндиликда магазинларга директорлик, секцияларга мудирлик, ўқув ишлаб чиқаришда мастерлик қилмоқдалар. «Шуҳрат» аъло даражада кадрлар тайёрлаб чиқараётганлиги учун Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги ҳамда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган. «Шуҳрат» мактаб-магазини СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг дипломанти.

«Шуҳрат» мактаб-магазини сизни харидорларни қандай кутиб олиш ва уларга хизмат кўрсатишга, пештахталарни чиройли безашга, харидни бежирим ўраш ва бошқа кўпгина нарсаларга ўргатади.

Уч ойга мўлжалланган назарий курсда товаршунослик, совет савдосини ташкил этиш, иқтисод асослари, совет ва меҳнат ҳуқуқи, этика ва эстетикадан ўргатилади. Тажрибали мураббийлар, ўқув ишлаб-чиқариши усталари раҳбарлигида —сиз бевосита мактаб-магазин пештахталари ортида практика ўтайсиз. Бу практика келажакдаги ишларингизда асқотадиган тажриба ва меҳнат кўникмасини эгаллашга ёрдам беради.

МАКТАБ — МАГАЗИННИ ТАМОМЛАГАНЛАР СОТУВЧИ-КОНТРОЛЕР-КАССИР КАСБИНИ ЭГАЛЛАЙДИЛАР.

«ШУҲРАТ» мактаб-магазинига 8— 10-синф ҳажмида маълумотли 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган қиз-жувонлар кириш имтиҳонисиз қабул қилинадилар. Тошкент шаҳрида доимий прошискада бўлиш шарт.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқувчиларга ойига 60 сўмгача стипендия берилади.

Ўқиш муддати умумий иш стажига қўшилади.

Кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: аттестат ёки саккизинчи синфни тамомлаганлиги тўғрисидаги шаҳодатнома, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, мактабдан ёки сўнгги иш жойидан характеристика, меҳнат дафтарчаси агар бўлса, турар жойидан справка, фотосуратлар (6х9 см. ҳажмида). Ариза мактаб директори номига ёзилади.

Справкалар учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, 11-квартал, 2-уй. Телефон 76-27-66.

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ
«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

«СРЕДАЗТЕПЛОМОНТАЖ» ИХТИСОСЛАШГАН ТРЕСТИ 83-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Кислоталар солинган идишларни қопқоқлаб жойловчилик касбига Совет Қуролли Кучлари сафидан запасга бўшатилган ҳарбийларни қисқа муддатли ўқишга, оширилган 76 сўм ҳажмда стипендия билан қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 6 ой.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

Ётоқхонадан жой берилади.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасини ўтаганда топган иш ҳақларининг 50 процентини оладилар.

Ўқувчилар ўқишни тамомлаганларидан сўнг Тошкентдаги «Монтажхимзащита» бошқармасига ишга юборилади.

Билим юртини тамомлаганлар техникум ва олий ўқув юртларига имтиёзли кирадилар. СССР қонунларида белгиланган имтиёзлар улар учун ҳам тааллуқлидир.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, автобиография, маълумоти тўғрисида ҳужжат; турар жойидан, медицина справкалари; 4 та фотосурат (3х4 см.), характеристика.

Паспорт ва ҳарбий билет шахсан тақдим этилади.

БИЛИМ ЮРТИГА ТРЕСТ КАДРЛАР БЎЛИМИДАН ЙЎЛЛАНМА БЕРИЛАДИ.

Машғулотлар— группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Аризалар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Адрес: 700031, Тошкент шаҳри, Шпилькова кўчаси, 3-уй, кадрлар бўлими (7, 8, 10, 11, 13, 22, 25-трамвайлар; 3, 9, 11-троллейбусларнинг «Марказий бозор» бекати). Телефонлар: 56-45-46, 56-40-43.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/XI да **Қизил яйловдаги кўк тулпорлар**, 26/XI да **Келинлар қўзғолони**, 27/XI да **Ганг дарёсининг қизи.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 26/XI да **Олифта**, 27/XI да **Сув келтирган азиз.**

КИНО

25 НОЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИ САРГУЗАШТЛАРИ» (2 серия) — **Санъат саройи** (кичик зал, 17, 19.45, телефон 44-39-51).

«КОИНОТ ИНСПЕКТОРИ» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Қозоғистон** тоқ соатларда, телефон 35-24-92), **Искра** (18, 19.45, телефон 39-14-59).

«ТУЛКИ ОВИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-85-20), **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66), **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«ОТ УСТИДА ЖОН БЕР» —**Қозоғистон** (жуфт соатларда, телефон 35-24-92), **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-11-59).

«ИППОДРОМ» — **Дружба** (жуфт соатларда).

«ГУГУРТ ИЗЛАБ» — **Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 53-86-07).

26 НОЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИ САРГУЗАШТЛАРИ» (2 серия) — **Санъат саройи** (кичик зал, 12, 14.40, 17, 19.45, телефон 44-39-51).

«КОИНОТ ИНСПЕКТОРИ» — **Қозоғистон** (тоқ соатларда, телефон 35-24-92), **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-14-59).

«ТУЛКИ ОВИ»— **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«ОТ УСТИДА ЖОН БЕР» — **Қозоғистон** (жуфт соатларда), **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-11-59).

«ИППОДРОМ» — **Дружба** (жуфт соатларда), **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«ГУГУРТ ИЗЛАБ» — **Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 53-86-07).

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

Ўзбекистон телевиденнесининг программаси

I

25 НОЯБРЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.00 «Халқ ижодиёти». Телевизион кўрсатув. 18.45 «Алкоголизм. Врач суҳбатлари». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Фан оламида». Арманистон ССР Фанлар академияси. 20.10 Монголия Халқ Республикаси эълон қилинган кунга. «Бугунги Монголия». Кинопрограмма. Монголия Халқ Республикаси Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти. 21.30 «Время». 22.15 «Ҳужжатли экран». 23.15 «Дунё воқеалари». 23.30 Домск концерт залида орган куйларидан концерт. Ригадан олиб кўрсатилади.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 23.00 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 «Халқаро панорама». 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевиденнесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Болалар учун фильм. 18.25 Болалар учун концерт. 18.55 «Миллионлар ленинча университети». «КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ (1980 йил) ОКТЯБРЬ ПЛЕНУМИ — ПАРТИЯ ВА ХАЛҚ ҲАЁТИДА МУҲИМ БОСҚИЧДИР». 19.15 «Ноз-неъмат бунёдкори». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ёзувчи ва замон». Туроб Тўла. 20.30 «Ахборот». 20.50 «СССР халқларининг куйлари. 21.30 Москва. «Время». 22.15 «Ҳимоя учун сўз». Бадиий фильм. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Болалар учун фильм. «Прикиндель ертаклари» (рус.). 20.55 Реклама. 21.15 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 22.15 «Тонгни қаршилаб». Телевизион бадиий фильм. (рус.).

26 НОЯБРЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси.

15.00 Янгиликлар. 15.20 Ҳужжатли фильмлар программаси. 16.05 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 16.35 А. Дворжак. Виолончель ва оркестр ижроси учун концерт. 17.15 «Горҳчилар, қаердасиз!». 17.45 «К. Симонов. Шеърлар. Куйдаликлар. Хотиралар». Ёзувчи туғилган кунининг 65 йиллигига. 18.30 «Биргаликда, аҳил оиламиз». 19.00 «Расмларда қуёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнал. 20.00 «Чапаев». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.15 «Катталар учун контроль иш». 2-турнум. 3-кўрсатув. 22.35 «Дунё воқеалари». 22.50 М. Мусоргский. «Борис Годунов» операсидан сахналар. 23.35 «Миргородлик ер ҳайдовчилар». Телевизион ҳужжатли фильм.

Ўзбекистон телевиденнесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Азот кислотаси». Химиядан ўқув кўрсатуви. 12.00 «Дала гули». Телефильм. 12.30 «Азот кислотаси». Химиядан ўқув кўрсатуви (рус.).

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Фипс лақабли маймун». Кўғирчоқ фильм. 18.30 Болалар учун. «Санъат ғунчалари» (такрорий). 19.00 «Ленининг ғоявий мероси— оммага». В. И. Ленин Тўла Асарлар Тўпламининг ўзбек тилида нашр этилиши муносабати билан. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ёшлик мушораси». Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати О. Ҳожиева. 20.30 «Ахборот». 20.50 Р. Вильданов. «Элегия». Г. Малер. «Атргулнинг сўлиши», П. И. Чайковский. «Франческа да Римини». А. Навоий номли Давлат академик Батта театрининг артистлари иштирокида бир саҳнали балетлар. 21.30 Москва. «Время». 22.15 «Оқибат». «Бадиий фильм (СССР—МХР). 23.40 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Француз тили. 20.55 «Ўз нигоҳимиз билан». Телефильм. 21.25 «Терек—дўстлик дарёси». Телефильм. 22.15 Ў. Умарбеков. «Отилмаган ўқ». «Ёш гвардия» ўзбек драма театрининг спектакли (такрорий).

ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ ТЕХНИКУМИ
кечки, пуллик 6 ойлик
тайёрлов курсига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Машғулотлар рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

АРИЗАЛАР 1 ДЕКАБРДАН БОШЛАБ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Машғулотлар 1981 йил 2 январдан бошланади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 32-уй, техникум кечки бўлими. Телефонлар 44-26-22, 44-29-40.

Тошкент Политехника институти ректорати, жамоат ташкилотлари ва химия-технология факультети коллективи кафедра мудири, доцент Т. А. Абдуллаевга отаси

Абдулла ФАЙЗУЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»), —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши —32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги —32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-58-85; хатлар—33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

25 НОЯБРЬ, 1980 й. Р—17823. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, ИНДЕКС 64579. Нашр Б—2279.